



10

ТА ЭНГ МУҲИМ
ХУҚУҚИЙ КИТОВ



ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИ: АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

1



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИ: АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

(амалий қўлланма)

«Адолат»
миллий ҳуқуқий ахборот маркази
Тошкент – 2021

УЎК: 342.4:(575.1)(072)

КБК: 67.400.1(5Ў)я7

Ў 32

Халқ ҳокимиятчилиги: асосий тушунчалар (амалий қўлланма)
– Т.: «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2021 й. – 96 б.

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири ўринбосари
М.Икрамовнинг умумий таҳрири асосида*

ISBN 978-9943-7296-2-9

УЎК: 342.4:(575.1)(072)

КБК: 67.400.1(5Ў)я7

Ў 32

ISBN 978-9943-7296-2-9

© «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази

Мундарижа

КИРИШ 5

I. ХАЛҚ ИРОДАСИ — ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ АСОСИ

Халқнинг давлат бошқарувидаги ўрни қандай?6

Давлат бошқарувида бевосита ва билвосита иштирок
этиш нима ва ундан қандай фойдаланиш керак? 10

II. ФУҚАРОЛАРНИНГ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДАГИ ЎРНИ ВА РОЛИ

Миллатлараро тотувликни таъминлашнинг
ҳуқуқий асослари..... 17

Фуқаролик. Фуқаролар ва
уларнинг давлат бошқарувидаги ўрни 19

III. РЕФЕРЕНДУМ — ХАЛҚ ИРОДАСИНИНГ ИФОДАСИ

Референдум нима? 26

Референдум ҳуқуқингиз ва ундан фойдаланиш тартиби..... 31

IV. ОЛИЙ МАЖЛИС ВА ПРЕЗИДЕНТНИНГ ХАЛҚ ВАКИЛИ СИФАТИДАГИ ВАКОЛАТЛАРИ

Кимлар халқ номидан иш юритиши мумкин? 35

Олий Мажлиснинг халқ вакили сифатидаги
ваколатлари ва ундан фойдаланиш тартиби 37

Президентнинг халқ вакили сифатидаги
ваколатлари ва ундан фойдаланиш тартиби..... 39

Кимлар Ўзбекистон халқи номидан
иш олиб бориши мумкин эмас?..... 43

V. ҲОКИМИЯТЛАР БЎЛИНИШИ ПРИНЦИПИ — ДЕМОКРАТИЯНИНГ АСОСИ

Ҳокимиятлар бўлиниши принципи нима?	48
Давлат бошқарувида қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ўрни ва вазифалари	50
Давлат бошқарувида ижро этувчи ҳокимиятнинг ўрни ва вазифалари	54
Давлат бошқарувида суд ҳокимиятининг ўрни ва вазифалари	59

VI. ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА СИЁСИЙ ИНСТИТУТЛАР ВА МАФКУРАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги нима?	66
Мафкуралар хилма-хиллиги бизга нима беради?	69

VII. ИНСОН, УНИНГ ҲАЁТИ, ЭРКИНЛИГИ, ШАЪНИ, ҚАДР-ҚИММАТИ-ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Демократик давлат қуришда умуминсоний принципларнинг аҳамияти	76
Ҳаётингиз, эркинликларингиз, шаън, қадр-қиммат ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш соҳасида давлат томонидан бериладиган кафолатлар	80

VIII. ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТИ

Давлатнинг инсон ва жамият фаровонлигини таъминлаш соҳасидаги вазифалари ва уларни амалга ошириш механизмлари	88
Давлат бошқарувида ижтимоий адолат ва қонунийлик принципларининг аҳамияти	90

Кириш

Конституция ҳар бир давлатнинг асосий қонунидир. Конституциядаги нормалар давлат тузумини, бошқарув тартибини, ундаги фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини, давлат, жамият ва фуқароларнинг ўзаро муносабатларини, маъмурий-ҳудудий тузилишини белгилаб беради. Шу сабабли уни ҳар қандай давлатнинг ўзига хос паспорти дейишимиз мумкин.

Конституциямизнинг биринчи бўлимидан «Халқ ҳокимиятчилиги» боби ўрин олган бўлиб, ушбу боб Конституциянинг асоси ҳисобланади. Чунки ҳар қандай мамлакатни мустақил давлат дейиш учун у аниқ давлат шаклига, давлат суверенитетига, давлат бошқарувининг асосларига эга бўлиши керак.

Давлатнинг яшаши, фаолият кўрсатиши учун энг муҳим масалалардан бири бу ҳокимият масаласидир. Давлат ҳокимияти бу ерда марказий ўринни эгаллайди. Халқ эса давлат ҳокимиятининг ягона манбаи ҳисобланади. Шу сабабли Конституцияда ҳокимият ва эркинлик масаласи асосий ўринни эгаллаган. Чунки жамиятнинг асосий элементи шахслардир.

«Халқ ҳокимиятчилиги» номли мазкур қўлланма Конституциямизда белгилаб қўйилган энг асосий ҳуқуқ ва эркинликларингиз билан таништирувчи ёрдамчингиз бўлиб, ҳуқуқ ва эркинликларингизни янада яхшироқ билиб олишингизда ва уларни ҳаётингиз давомида қўллашингизда сизга кўмаклашади.

Қўлланма орқали Сиз халқ ва фуқаро тушунчалари, референдум ўтказиш тартиби, халқ номидан иш олиб бориш ваколатига эга бўлган шахслар ва уларнинг ваколатлари, ҳокимиятлар бўлиниши принципи, ижтимоий ҳаёт ва унда сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг ўрни, давлатнинг инсон ва жамият фаровонлигини таъминлашга оид вазифалари тўғрисида маълумотларга эга бўласиз.

Ушбу қўлланма ҳуқуқшунослар ҳамда ўзининг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини ошириш истагида бўлган барча қизиқувчилар учун мўлжалланган.

Қўлланма халқчил, содда тилда баён этилган бўлиб, Конституцияда белгиланган нормалар ҳамда ушбу нормаларга асосан қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳияти шарҳлар, амалий мисоллар билан бойитилган ҳолда баён қилинган.



■ ХАЛҚ ИРОДАСИ – ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ АСОСИ

■ ХАЛҚНИНГ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДАГИ ЎРНИ ҚАНДАЙ?

- Халқнинг давлат бошқарувидаги ўрни қандай?
- Давлат бошқарувида бевосита ва билвосита иштирок этиш нима ва ундан қандай фойдаланиш керак?

Асосий қонунимизда фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечириши, уларнинг тинчлигини таъминлаш ҳамда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш олий мақсад этиб белгиланган. Шунингдек, давлат органларини шакллантириш ва бошқаришда фуқаролар ҳамда жамоат ташкилотларининг ҳуқуқлари, уларни рўйбга чиқаришда қонунларнинг устувор эканлиги мустаҳкамланган.

Конституциянинг 7-моддаси биринчи қисмида «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир» деб белгиланиб, Ўзбекистон халқ ҳокимияти давлати сифатида таърифланган.

Демак мазкур моддага асосан халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Бу ғоя демократик тараққиёт йўлини танлаган, инсон ҳуқуқларини олий қадрият деб билган Ўзбекистон халқининг улуғ мақсадларини ифодалайди.

Шу сабабли халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак деган тамойил асосида ишлаш лозим бўлади. Бунинг учун эса барча фуқаролар ўзларининг ҳуқуқларини билишлари, уни талаб қилишлари, ҳуқуқлари бузилишига рози бўлиб қолмасликлари лозим.

Аҳамиятли томони шундаки, халқ билан мулоқот институти-нинг ҳаётга кенг жорий этилиши натижасида аҳолининг ижтимоий муҳофаза муҳтож қатламига манзилли кўмак бериш, уларнинг муаммоларини тезкорлик билан ҳал қилиш, фуқаролар давлат идораларига тўғридан-тўғри муурожаатига имконият яратилди.

Конституцияда ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи халқ эканлиги, давлат ҳокимияти халқ, унинг иродасига таяниши тўғрисидаги қоидадан яна бир муҳим Конституциявий тамойил — яъни халқ томонидан яратилмаган бирор-бир ҳокимият таркиблари ҳокимиятни расман амалга оширолмаслиги, уларнинг яратилиши ва фаолияти Конституцияга зид ҳисобланиши ҳақидаги қоида келиб чиқади.

Шу муносабат билан, Конституциянинг 7-моддаси учинчи қисмида Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади деб белгилаб қўйилган.

Халқ ҳокимияти тамойили халқаро ҳуқуқда асосий тамойиллардан бири ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддасида халқ иродаси давлат ҳокимиятининг асо-

си бўлиши кераклиги белгилаб қўйилган. Бу умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ёки сайлов эркинлигини таъминлайдиган бошқа шаклларда ўтказиладиган даврий ёки олдиндан кўзда тутилмаган сайловларда ўз ифодасини топади. Келтирилган нормада халқ иродасининг асосий, қонуний (леgitим) ҳокимият фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган аҳамиятига ишора қилинади. Декларациянинг ушбу қоидалари бошқа бир қатор муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда, жумладан, 1993 йилда қабул қилинган Вена декларацияси ҳамда ҳаракатлар дастурида ҳамда бошқаларда ривожлантирилди.

Халқ ҳокимияти тамойилларининг замонавий демократик давлатнинг ажралмас белгиси сифатидаги халқаро-ҳуқуқий регламентацияси демократик ғояни универсаллаштириш ортидан амалга оширилмоқда. Инсон мезонлари бўйича Конференциянинг Копенгаген кенгаши ҳужжатида қайд этилганидек, давлатлар биргаликдаги амалий сарф-ҳаракатларни ва тўғридан-тўғри ҳамкорлик доирасида алоҳида шахслар, гуруҳлар ва ташкилотлар ўртасидаги ахборот, ғоялар ва тажриба алмашинувини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган.



БМТ Бош Ассамблеясининг 2012 йил 3 июлдаги «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизими томонидан ҳукуматларнинг янги ёки қайта тикланган демократияларини ривожлантириш ва мустақамлаш бўйича сарф-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш» тўғрисидаги 66/285-сонли Резолюциясида давлатлар ҳукуматлари демократияни ривожлантириш

миллий дастурларини такомиллаштиришга, жумладан, икки томонлама, минтақавий ва халқаро ҳамкорликнинг новаторлик ёндашувларини ва энг яхши тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда

тараққий эттиришга даъват этилади. Асосий эътибор, шунингдек, миллий парламентларнинг оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари, парламентлараро ташкилотлар билан ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган.

Шу билан бирга, халқаро ҳужжатларда халқ ҳокимияти таъминини давлатлар демократик ривожланишининг ажралмас қисми сифатида амалга оширишнинг универсал талабларини ишлаб чиқишга қаратилган қоидаларни учратиш мумкин, шунингдек, халқ ҳокимиятининг алоҳида институтлари фаолиятига қўйиладиган умумий талаблар ҳам баён қилинган.

Шунингдек, Парламентлараро Кенгашнинг 1994 йилда Парижда бўлиб ўтган 154-сессиясида қабул қилинган Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисидаги декларация ҳақиқий эркин ва адолатли сайловлар ўтказишнинг халқаро андозасини белгилайди.

Халқ ҳокимиятининг ушбу муҳим элементлари Конституцияда муҳрланган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ўтказилган кенг қўламли Конституциявий-ҳуқуқий ислохотлар асосий халқаро демократик жараёнларга тўлиқ мос келади, улар халқ ҳокимияти, миллий давлатчилик ва суверенитет, хавфсизликни ва ҳуқуқтартиботни таъминлаш, давлат чегараларининг дахлсизлиги, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликнинг мустаҳкам замини вазифасини ўтади, аҳолининг турмуш кечириши ва мамлакатимиз фуқароларининг яратувчилик салоҳиятини юзага чиқариш учун муносиб шарт-шароит вужудга келтирди.

■ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА БЕВОСИТА ВА ■ БИВОСИТА ИШТИРОК ЭТИШ НИМА ВА УНДАН ■ ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИШ КЕРАК?

Шубҳасиз, онгли инсон сифатида халқ ҳокимиятчилиги ата-маси ҳақида эшитгансиз ва у ҳақида кўп бўлмаса ҳам қисман тунчунгангиз бор. Халқ ҳокимиятчилиги бутун ҳокимиятнинг халққа тегишли эканлигини, шунингдек, халқ томонидан ушбу ҳокимиятнинг суверен иродасига ва туб манфаатларига мувофиқ эркин амалга оширилишини англатади. Бошқача қилиб айтганда, халқ ҳеч ким билан бўлишмасдан ўз ҳокимиятини мустақил, бирор ижтимоий кучлардан ҳоли тарзда амалга оширади, ундан мутлақо ўз манфаатлари йўлида фойдаланади.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 7-моддасининг 2-қисмида «Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади», деб белгиланган.



Халқ ҳокимияти нафақат мамлакатда ҳокимиятнинг тўла халққа тегишли эканлигини, балки унга тегишли ҳокимиятни ҳам бевосита, ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституцияси томонидан шундай ваколат берилган органлар ва унинг асосида қабул қилинган қонунчилик орқали амалга ошириш имкониятини англатади.

Халқ ҳокимияти, шунингдек, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифалари, ваколатлари халқдан келиб чиқишини англатади: депутатлар халқ томонидан сайланади ва унинг олдида масъулдирлар.



Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси 4-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловлари умумийдир.



Сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади) сайлаш ҳуқуқига эгадир.



Фуқаролар жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва ҳусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадир.

Конституциянинг 10-моддасига кўра, Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин.

Конституциянинг 76-моддасида эса Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга ошириши, у икки палатадан Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборатлиги белгиланган.

Конституциянинг 90, 93-моддаларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Президенти фуқаролар томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади. Президент фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир.

Ўзбекистонда қонун чиқарувчи ҳокимият бевосита халқ мандати асосида ҳаракат қилиб, унинг манфаатлари йўлида қарорлар қабул қилади, уларнинг бажарилишини ташкил қилиш Вазирлар Маҳкамаси ва унга бўйсунувчи ижроия ҳокимияти органларининг бурчи ҳисобланади. Қонунга кўра, Вазирлар Маҳкамаси ўз фао-

лиятида Ўзбекистон Республикасида яшовчи барча миллатлар ва элатларнинг манфаатларини ҳисобга олиши лозим.

Ҳокимият манбаи бўлмиш Ўзбекистон халқи уни бевосита амалга оширишдан четлатилмайди, аксинча, қатор асосий ҳокимият вазифаларини фаол амалга оширади. Референдум ва давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига ўтказилган сайловларда овоз бериши бевосита (референдум ва давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига ўтказилган сайловларда овоз бериши) ёки билвосита мамлакатдаги ҳукумат тартиботини, уни амалга ошириш бўйича давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари йўналишларини олдиндан белгилаб беради.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилиниши, 2017 йил «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили», 2021 йил «Ёшларни қўллаб-



қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» деб эълон қилиниши ҳам халқ ҳокимиятчилигининг муҳим элементлари бўлган халқ билан самарали ва сифатли мулоқотни таъминлаш, жамоатчилик назоратини такомиллаштиришга қаратилган.

Қонун берган ваколатлар доирасида халқ манфаатларини кўзлаб, бошқарувни амалга ошириш учун масъул бўлган энг муҳим давлат ҳокимияти органларидан яна бири бу Вазирлар Маҳкамасидир.

Вазирлар Маҳкамасининг фаолияти 2019 йил 10 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида» ги ЎРҚ-591-сон Қонун билан тартибга солинган.

Мазкур Қонуннинг 3-моддасига кўра, Вазирлар Маҳкамаси — Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ижро этувчи ҳокимиятнинг олий органи бўлиб, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг самарали фаолият кўрсатишига раҳбарлик қилишни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Президент фармонлари, қарорлари ижросини таъминлайди. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасида ижро этувчи ҳокимиятнинг ягона тизимига раҳбарлик қиладиган коллегиал органдир.

Шунингдек, Қонуннинг 6-моддасига кўра, Бош вазир номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир лавозими-га тақдим этилган номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кунлик муддатда уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади.

Бош вазир лавозими-га номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида унинг номзоди кўриб чиқиладиган ва тасдиқланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастурини тақдим этади.

Бош вазир номзоди, агар уни ёқлаб тегишинча Қонунчилик палатаси депутатлари ва Олий Мажлис Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи овоз берса, тасдиқланган ҳисобланади.

Агар овоз бериш чоғида Бош вазир номзоди Қонунчилик палатасида ёки Сенатда Қонунчилик палатаси депутатлари ёки Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилик овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан қўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан кейин Бош вазир лавозими-га номзодни яна бир марта тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Вазирлар Маҳкамаси аъзолари Бош вазирнинг Қонунчилик палатаси маъқуллаганидан кейин киритилган тақдимномасига

биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади ва лавозимидан озод этилади.

Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзод Қонунчилик палата-сидаги масъул қўмита, сиёсий партиялар фракциялари ва депутат-лар гуруҳлари томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилганидан кейин Қонунчилик палатасининг мажлисида кўриб чиқилади ва маъқулланади.

Вазирлар Маҳкамаси аъзоси лавозимига номзод унинг номзо-дини Қонунчилик палатасида кўриб чиқиш ва маъқуллаш чоғида Вазирлар Маҳкамасининг ҳаракатлар дастури билан ўзаро боғлиқ бўлган, истиқболга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар ва ва-зифаларга эришиш борасидаги ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий-техник чора-тадбирларни назарда тутувчи ҳаракатлар режасини тақдим этади.

Қонунчилик палатаси Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига ном-зодни рад этган тақдирда, Бош вазир кўриб чиқиш ва маъқуллаш учун янги номзодни киритади.

Вазирлар Маҳкамасининг аъзоси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланганидан кейин ўз вазифаларини бажаришга киришади.

Бош вазир ва Қонунчилик палатаси ўртасида доимий зид-диятлар юзага келган тақдирда, Қонунчилик палатаси депутат-лари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билди-риш ҳақидаги масала киритилади.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишинча Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолда Президент Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

Янги Бош вазир номзоди Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан кейин Президент томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун таклиф этилади.

Мазкур қонунга асосан Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши учун унга иқтисодиёт, бюджет, молия, пул-кредит сиёсатини амалга ошириш соҳасида, ижтимоий соҳада, маданий-гуманитар соҳада, ҳудудларни ривожлантириш соҳасида, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида, ташқи сиёсатни амалга ошириш ва халқаро муносабатларни ривожлантириш соҳасида, инвестициялар ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасида, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳасида, жамоат тартибini сақлаш, давлат хавфсизлигини ва мудофаа қобилиятини таъминлаш соҳасида ваколатлар берилган. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси қонунчилик ташаббусига ҳам эга.

Мазкур Қонундан ҳам халқ томонидан сайланган Олий Мажлисининг Вазирлар Маҳкамасини шакллантириш, унинг фаолиятини ташкил этиш, унинг зиммасига вазифалар юклаш, амалга оширилган ишлар юзасидан парламент назорати ўрнатиш соҳасида кенг ваколотларга эга эканлигини кўриш мумкин. Ушбу ҳолат ҳам халқ давлат ҳокимиятининг манбаи эканлигини, халқ Вазирлар Маҳкамаси фаолиятида билвосита қатнашишини тасдиқлайди.

Бугунги кунда умумхалқ муҳокамаси институтини такомиллаштиришнинг мантиқий давоми сифатида, Президентнинг



2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон Қарори билан тасдиқланган «Mening fikrim» махсус веб-портали фаолият юритмоқда. Бундан мақсад мамлакатимизда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш, давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг очиқлиги, қабул қилинаётган қонунларнинг ҳаётий ва самарали бўлишини таъминлаш бўлиб ҳисобланади.



ФУҚАРОЛАРНИНГ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДАГИ ЎРНИ ВА РОЛИ

■ МИЛЛАТЛАРАРО ■ ТУТУВЛИКНИ ■ ТАЪМИНЛАШНИНГ ■ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

- Миллатлараро тотувликни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари
- Фуқаролик. Фуқаролар ва уларнинг давлат бошқарувидаги ўрни

Ўзбекистон Республикаси «Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги Халқаро Пактига қўшилган (ратификация) бўлиб, инсонларнинг Пактда эътироф этилган ҳуқуқларини ҳеч бир айирмачиликсиз, жумладан, ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи, туғилиши ёки ўзга ҳолатидан қатъи назар ҳурмат қилиш ва таъминлаш мажбуриятини олган.

Ҳозирда умумий ўрта таълим мактабларимизда етти тилда ўзбек, қорақалпоқ, рус, қирғиз, туркман, қozoқ ва тожик тилларида билим берилмоқда.

Ривожланиб бораётган Ўзбекистон Республикасининг инсонларнинг тенглик ҳуқуқини таъминлашдаги қилаётган ислоҳотлари, ўзгаришларини бугунги кунда ҳар бир жабҳада кўриш мумкин, масалан:



130 дан ортиқ миллат ва элат



137 та миллий маданий марказ



16 та конфессияга мансуб диний ташкилотлар



7 та тилда фаолият юритувчи давлат таълим тизими



10 та тилда газета ва журналлар нашр этилиши



12 та тилда радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар ва бошқалар

Буларнинг барчаси юртимизда миллатлараро тинчлик-тотувлик, ҳамжиҳатлик, энг асосийси турли хил миллатларга мансуб бўлган Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқлари ва эркинликлари бир хил таъминланиши йўлидаги саъй-ҳаракатлардандир.

Конституциямизда белгиланган мамлакатимиздаги барча фуқароларнинг бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга эканлиги, қонун олдида тенглиги ҳақидаги қоидалар миллий қонунчилик ҳужжатларимиз орқали ҳам мустаҳкамланган. Масалан, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида ҳар бир инсон фуқаро бўлиш ҳуқуқига эга бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги ҳамма учун тенглиги, фуқароликни қандай асосларга кўра олганлигидан қатъи назар бошқа фуқаролар билан тенглиги, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудуди учун ягона фуқаролик ўрнатилиши белгиланган.

Давлат сиёсатида ҳам миллатлараро тотувликка алоҳида этибор берилиб, Конституциямиз ва қонунларимизда Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари миллати, тили ва динидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга экани мустаҳкамлаб қўйилган. Улар-

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.1. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. – 296-297-б.

га ўз миллий маданияти, анъана ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ҳар томонлама ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонунининг 2-моддасига кўра, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши республика ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг ўз она тилини қўллашдан иборат Конституциявий ҳуқуқларига монелик қилмайди. Мазкур Қонун тилларнинг турмушда, шахслараро муомалада ҳамда диний ва ибодат билан боғлиқ удумларни адо этишда қўлланишини тартибга солмайди. Демакки, Сиз миллатлараро муомала тилини ўз хоҳишингизга кўра танлаш ҳуқуқига эгасиз.

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий, Фуқаролик ва Жиноят процессуал кодексларида ҳамда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексида суд ишлари ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда юритилиши, суд ишлари юритилаётган тилни билмайдиган суд процесси иштирокчиларининг таржимон орқали иш материаллари билан танишиши, суд ҳаракатларида иштирок этиши ҳамда судда ўз она тилида ёки эркин танланган мулоқот тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланиши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясида миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш мамлакатимиз тараққиётининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилган.

ФУҚАРОЛИК. ФУҚАРОЛАР ВА УЛАРНИНГ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДАГИ ЎРНИ

Конституциямизнинг 8-моддасида «Халқ» тушунчаси ёришиб берилган бўлиб, мазкур модда мазмуни бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқаролари миллатларидан қатъи назар ушбу Конституциявий-ҳуқуқий институт доирасида ўз манфаатларини амалга оширади.

Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистон фуқаролари халқ ҳокимияти институтининг моҳиятини ташкил қилувчи демократик қадриятларни, яъни, давлат ва жамият ишларини бошқаришда ҳам бевосита, ҳам ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқини, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишни ва ҳоказоларни амалга оширади.

Ушбу моддада «халқ» тушунчаси «фуқаролар» тушунчаси билан тенглаштирилади. Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансуб шахслар уларнинг миллатидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳисобланади.

Конституциямизнинг VI боби ҳам фуқароликка бағишланган бўлиб, ушбу бобда Сиз фуқаролик бериш тартиби, фуқаролар учун бериладиган кафолатлар билан танишишингиз мумкин.

Бош қомусимизга мувофиқ, агар сиз Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси бўлсангиз, демак сиз бир вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланасиз.



Фуқаро — шахснинг ҳуқуқий асослар орқали маълум давлатга мансублиги.

ФУҚАРОЛИҚДА ТЕНГЛИК ҲУҚУҚИ НИМА?



Сизнинг жинсингиз фуқаролик ҳуқуқларингизни амалга оширишингизга тўсқинлик қилмайди;



Исталган миллат ва ирққа тегишли бўлсангиз ҳам бошқа фуқаролар билан тенг ҳисобланасиз;



Бошқа мамлакат тилларида сўзлашингиз сизни фуқаролик ҳуқуқларингизга дахл қилмайди;



Бирон бир бошқа динда ва эътиқодда бўлсангиз ҳам фуқароликда тенг ҳуқуқлисиз;



Жамият қандай обрў ва мартаба ёки шахсий мавқеингиз бўлишидан қатъи назар қонун олдида тенгдирсиз.

Фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш асослари ҳамда тартиби Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 13-мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги ЎРҚ-610-сонли Қонунда белгилаб қўйилган.

Қонунга мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги» тушунчаси остида шахс ва давлатнинг муштарак ҳуқуқ ва бурчларида намоён бўладиган доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқа тушунилади. Ўзбекистон Республикасида ҳар бир инсон фуқаролик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким фуқароликдан ёки фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон ҳудудида ва унинг ташқарисида ўз фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Республикаси демократик қадриятлар ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойилларига садоқатини билдирган ҳолда, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига асосланиб, ҳар бир инсоннинг фуқаролик ҳуқуқи таъминланишини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси миллий белгисига кўра камситилишга йўл қўймайди ва барча миллат фуқароларининг ўз миллий маданий ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятларини кафолатлайди.

Мазкур Қонуннинг 4-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида фуқаролик шахснинг давлат билан ўзаро ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги йиғиндисиде ифодаланадиган ҳамда инсон қадр-қиммати, асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини эътироф этиш ҳамда ҳурмат қилишга асосланадиган доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир инсон фуқаро бўлиш ҳуқуқига эгадир. Ҳеч ким Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан маҳрум қилиниши, бундан ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно ёки фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси ўз фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда унинг ҳудудидан ташқарида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш, фуқароликни тиклаш, фуқароликдан чиқиш ёки фуқароликни йўқотиш тўғрисидаги қарорлар Президент томонидан фармонлар тарзида қабул қилинади ва имзоланган кундан эътиборан кучга киради.

Мазкур Қонуннинг 13-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги туғилганлик бўйича, бола фарзандликка олинганда, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш ва уни тиклаш натижасида, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ва ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа асосларга кўра ҳам олиниши мумкин. Бироқ фуқаролик қандай асосларда олинганлигидан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир.



Қонуннинг 21-моддасида эса Ўзбекистон Республикаси Президенти миллий манфаатлардан келиб чиқиб, чет давлатларнинг фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга фуқаролик бериш учун қўйилган талаблар қўлланилмаган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг

фуқаролигини бериши мумкин.

Мазкур Қонунга кўра фуқароликни тугатиш фуқароликдан чиқариш ва уни йўқотиш оқибатида келиб чиқади.

Қонуннинг 24-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқиш фуқаронинг фуқароликдан чиқиш тўғрисидаги илтимосномасига асосан амалга оширилади.

Фуқаролик қуйидаги ҳолларда йўқотилади:

- шахс чет давлатнинг ҳарбий хизматига, хавфсизлик органларига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига хизматга кирганлиги оқибатида;
- агар хорижда доимий яшовчи шахс етти йил мобайнида узрли сабабларсиз доимий консуллик ҳисобига турмаган бўлса;
- агар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш билан туриб ёлфон маълумотлар ёки сохта ҳужжатларни тақдим этиш натижасида амалга оширилган бўлса;
- агар шахс чет давлатнинг фойдасини кўзлаб фаолият кўрсатган ҳолда ёки тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар содир этиш йўли билан жамият ҳамда давлат манфаатларига жиддий зарар етказган бўлса;
- агар шахс ихтиёрий равишда чет давлатнинг фуқаролигини олган бўлса;
- агар шахс чет давлатнинг фуқаролигини туғилганлик бўйича ёхуд чет давлат фуқароси бўлган отасининг ёки онасининг фуқаролиги асосида, вояга етмаган ёшида олган бўлса ва йигирма бир ёшга тўлгунига қадар чет давлат фуқаролигидан чиқишни расмийлаштирмаган бўлса.

Сиз Ўзбекистон Республикаси фуқароси сифатида давлатимиз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам давлатимизнинг ҳуқуқий ҳимоясида ва ҳомийлигида ҳисобланасиз. Мазкур меъёр Конституция билан мустаҳкамланган инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги, давлат халқ манфаатларига хизмат қилишига оид умуминсоний принципларнинг мантиқий давомидир.

Шу каби принцип Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 7-моддасида ҳам акс этган бўлиб, унга биноан, барча инсонлар қонун олдида тенг ва ҳеч бир тафовутларсиз қонун томонидан тенг равишда ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга.

Фуқароларни мамлакат ташқарисида ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик қилиш Ташқи ишлар вазирлиги, дипломатик ваколатхоналар, консуллик муассасалари ва мамлакатимиздаги бошқа ваколатли давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари орқали амалга оширилади. Консуллик муассасалари, дипломатик ваколатхоналарининг консуллик бўлимлари ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича чоралар кўради.

Шу ўринда «ҳимоя қилиш» ва «ҳомийлик қилиш» тушунчаларини фарқлаш зарур. Биринчи ҳолатда, Ўзбекистон фуқаролари ҳуқуқларини чет элда турли ҳуқуқбузарлик ва тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳақида сўз бормоқда. Иккинчи ҳолатда эса, фуқаро чет элда бўлган вақтида унинг ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ бўлмаган мураккаб вазиятга тушиб қолганда ҳомийлик қилиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг консуллик уставининг 15-моддасига кўра, консул ўз консуллик округида вақтинча турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини консулхона жойлашган давлатнинг қонунлари ва бошқа норматив ҳужжатларидан, шунингдек, маҳаллий урф-одатлардан хабардор қилади, ўз консуллик округидаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун маданий-маърифий тадбирлар ўтказиши.

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижий давлатга топширилиши мумкин эмаслиги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасида белгиланган.

Бу каби меъёр Жиноят-процессуал кодексининг 603-моддасида ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра, агар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахс Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлса ва унга нисбатан талабнома келиб тушган бўлса, у хорижий давлатга топширилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари топширилиши мумкин эмаслиги тамойили Ўзбекистон Республикаси қўшилган қатор кўп томонлама халқаро шартномалар меъёрларига тўлиқ мосдир.

Масалан, 1993 йил 22 январдаги Фуқаролик, оилавий ва жинсий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида Минск Конвенциясининг 57-моддасига кўра, агар топширилиши талаб этилаётган шахс талаб этаётган келишилаётган тарафнинг фуқароси бўлса, топшириш амалга оширилмайди.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан ташқари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар.

1966 йил 16 декабрда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, 1970 йил 24 октябрда қабул қилинган Халқаро ҳуқуқ тамойиллари тўғрисидаги декларация, 1989 йил 24 августда қабул қилинган Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари тўғрисидаги декларацияларда Халқаро ҳуқуқда фуқароларнинг миллатидан қатъи назар тенглиги асосий тамойиллардан бири сифатида келтирилган.

Хусусан, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 25-моддасига кўра, ҳар бир фуқаро ҳеч қандай камситишсиз ва ҳеч қандай асосланмаган чекловларсиз бевосита ёки вакиллари орқали давлат ишларини бошқаришда қатнашиши, овоз бериши ва сайловларда сайланиши ҳамда умумий тенглик шартлари асосида давлат хизматида ишлаши мумкин.



РЕФЕРЕНДУМ — ХАЛҚ ИРОДАСИНИНГ ИФОДАСИ



РЕФЕРЕНДУМ НИМА?

- Референдум нима?
- Референдум ҳуқуқингиз ва ундан фойдаланиш тартиби

Асосий қонунимизда фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечириши, уларнинг тинчлигини таъминлаш ҳамда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш олий мақсад этиб белгиланган. Шунингдек, давлат органларини шакллантириш ва бошқаришда фуқаролар ҳамда жамоат ташкилотларининг ҳуқуқлари, уларни рўйбга чиқаришда қонунларнинг устувор эканлиги мустаҳкамланган.

Сиз ушбу сўзни ҳаётда кўп бора эшитгансиз. Хўш, референдум нима ўзи?



Референдум лотинча «referendum» сўзидан олинган бўлиб, «етказилиши лозим бўлган хабар» деб таржима қилинади. Фуқароларнинг муайян бир муҳим масала юзасидан қарор қабул қилиш ёки қилмасликка овоз бериши референдум мазмунини ташкил этади.

Референдум ўтказишдан мақсад — сиёсий плюрализм шариоатида фуқаролар фикрларининг бирлиги асосида давлат қарорларини қабул қилиш.

Муҳим масалаларнинг референдумда ҳал этилиши, фуқароларнинг ўрганилаётган муаммонинг маънавий жиҳатларини ўзлари баҳолаб, нимани хоҳлаётганликларини англаб етиши ва қонун чиқарувчини тўғри йўлга йўналтириши учун зарурдир.

Фуқароларнинг давлат ва жамият бошқаруви ишларидаги иштирокининг бевосита шакли ҳисобланган референдум натижалари бўйича қарорлар қабул қилиниб, қонун билан мустаҳкамланади.

Конституциянинг ушбу моддаси Конституциянинг «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир», деб белгиланган 7-моддасини мантиқан давом эттиришга хизмат қилади. Умумхалқ муҳокамаси жараёнида ва референдум йўли билан ўз фикрини билдириш орқали фуқаролар (халқ) ўзларининг ҳокимиятга нисбатан бўлган суверен ҳуқуқларини амалга оширади.

Конституциянинг 32-моддасида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади.

Умумхалқ муҳокамаси — норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, шунингдек, муҳим давлат қарорларининг амалдаги матни ёки лойиҳасини кўриб чиқишда халқнинг иштирок этиш имкониятидир.

Умумхалқ муҳокамаси жараёнидаги турли хил фикрлар, жумладан, қарама-қарши фикрлар ҳам фуқароларнинг муҳокамага олиб чиқилган масалаларга нисбатан бўлган муносабатлари ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Умумхалқ муҳокамаси давомида фуқаролар давлат ва ижтимоий ҳаёт масалалари юзасидан ўз мулоҳазаларини эркин билдириш имконига эгадир, мазкур Конституциявий институтнинг юқори даражадаги демократик аҳамияти ҳам ана шунда.

Инсон ва фуқаронинг сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликларига асосланган бошқа демократик институтлар каби, умумхалқ муҳокамаси ҳам ижтимоий ҳамжиҳатликка эришиш мақсадига йўналтирилган. Шу боис, ушбу институт фуқароларнинг давлат бошқаруви ишларида иштирок этиш ҳуқуқининг кафолати сифатида Конституциявий институтлар тизимида ўзининг мустаҳкам ўрин эгаллади. Умумхалқ муҳокамаси ижтимоий-сиёсий институт сифатида ҳам замонавий демократия тизимида муҳим аҳамиятга эга.

Референдумнинг илк тарихий кўринишлари юртимиз ҳудудида, халқимизнинг узоқ тарихида шаклланганлигидан хабарингиз борми?

Амир Темур бобомизнинг «Темур тузуклари»да давлат тақдири ҳамжиҳатликда қабул қилинадиган қарорларга боғлиқ эканлиги алоҳида эътироф этган. Хусусан, тузукларда «Кенгаш ва машваратсиз салтанатни барча қилган ишлари ва айтган гаплари нотўғри бўлган жоҳил одамга қиёс қилиш мумкин: унинг айтган сўзлари ва қилган ишлари бошга пушаймонлик ва надомат келтирғай... Салтанатни бошқаришда машварату маслаҳат ва тадбиркорлик билан иш юритгин, токи оқибатда надомат чекиб, пушаймон бўлмағайсан», деб таъкидланган.

Тарихан фикр билдириш шакллари бугунги кундаги умумхалқ муҳокамасидан бирмунча фарқланса ҳам, улар замонавий референдум институтининг яратилишига замин бўлган.

Ўзбекистонда жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалаларини умумхалқ муҳокамасига қўйиш амалиёти йўлга

қўйилганми? Умумхалқ муҳокамаси асосида қабул қилинган илк ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси бўлганлигини таъкидлашимиз мумкин.

1992 йилнинг 26 сентябрида у оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилингунига қадар Конституциявий комиссияга фуқароларимиздан олти мингга яқин таклифлар келиб тушган. Билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида лойиҳанинг матни қайта ишланиб, такомиллаштирилиб, 1992 йилнинг 21 ноябрида умумхалқ муҳокамасига яна қайта тақдим этилган.

Умумхалқ муҳокамасини ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий таомиллари белгиланган «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги Қонунда умумхалқ муҳокамаси институти ўз ривожини топди. Мазкур Қонуннинг 10-моддаси умумхалқ муҳокамасининг барча иштирокчилари учун очиқлигини таъминлаш ҳақидаги нормани белгилаб берди.


Бугунги кунда умумхалқ муҳокамаси институтини такомиллаштиришнинг мантиқий давоми сифатида, Президентнинг 2018 йил 22 январдаги ПФ–5308-сон Қарори билан тасдиқланган «Мening fikrim» махсус веб-портали фаолият юритмоқда. Бундан мақсад мамлакатимизда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш, давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг очиқлиги, қабул қилинаётган қонунларнинг ҳаётий ва самарали бўлишини таъминлаш бўлиб ҳисобланади.

Бундан ташқари, у ёки бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг муҳокамаси тизимли асосда, «regulation.gov.uz» интернет-порталида доимий равишда ўтказиб борилади.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётидан маълумки, Конституцияда мустақамланган умумхалқ муҳокамаси институти давлат ҳокимиятининг юқори



даражадаги очиклигини таъминлаб, вужудга келиши мумкин бўлган ижтимоий зиддиятларнинг олдини олиш имконини беради, зеро, умумхалқ муҳокамаси натижалари муҳокама этилаётган ҳуқуқий нормага холисона баҳо бериб, халқнинг кайфиятини акс эттиради, бу эса, ўз навбатида, у ёки бу норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки қарор қабул қилиниши жараёнида инобатга олиниши шарт бўлган жиҳатлардандир.



Таъкидлаб ўтиш жоизки, Президентнинг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони лойиҳаси ҳам, аввалгилар каби, умумхалқ муҳокамасига олиб чиқилди. Уни муҳокама

этишга фуқаролик жамияти институтлари, экспертлар, олимлар ва бошқалар жалб этилди.

Ҳаракатлар стратегияси барча минтақалар аҳолиси билан бўлган учрашувларда, давра суҳбатларида, телевидение, радио ва матбуотда кенг муҳокама этилди. Фуқароларимиз «strategy.regulation.gov.uz» интернет-сайтига ўз таклифларини он-лайн режимида юборди.

Конституциянинг 8-моддасида жамоат ва давлат ҳаётига оид энг муҳим масалаларнинг умумхалқ овозига қўйилишини ҳам белгилаб берган. Аслида, умумхалқ муҳокамаси ва умумхалқ овоз бериши (референдум) бевосита демократия институтининг турлари ҳисобланади.

Шу билан бирга, умумхалқ муҳокамаси ва умумхалқ овоз бериши (референдум) орасида жиддий фарқ бор. Жумладан, биринчи ҳолатда давлат миқёсидаги масалаларни муҳокама этиш учун халққа мустақил ва кенгайтирилган имконият берилса, иккинчи ҳолатда фуқароларга овоз бериш ҳуқуқи берилади, яъни, у ёки бу

нормага фуқароларнинг муносабати «ҳа» ёки «йўқ» ифодасидаги жавоблари орқали билиб олинади.

Замонавий кўринишдаги референдум институти мамлакатнинг қонун чиқарувчи ҳокимият билан сайловчи корпуси ўртасидаги сиёсий-ҳуқуқий муносабатлари доирасида вужудга келди. Демократик йўл билан сайланиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга ошириб келаётган Олий Мажлис, баъзида эса Президент ҳам, зарурият туғилганда, референдумга жамоат учун муҳим бўлган масалани олиб чиқиб, у ёки бу норма ё қарорни қабул қилиш ёки қилмаслик мақсадида халққа мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Референдумни ўтказиш ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳам чиқишлари мумкин.

РЕФЕРЕНДУМ ҲУҚУҚИНГИЗ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

«Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонуни мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг биринчилардан бўлиб, 1991 йилнинг 18 ноябрида қабул қилинган бўлиб, мазкур Қонун кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 265-II-сон Қонуни билан янги таҳрирда қабул қилинган.

Қонуннинг 1-моддасида Ўзбекистон Республикасининг референдуми Ўзбекистон Республикасининг қонунларини ва бошқа қарорларни қабул қилиш мақсадларида жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан фуқароларнинг умумхалқ овоз бериши эканлиги белгилаб қўйилган.

Референдум сайловлар билан бир қаторда халқ иродасининг бевосита ифодасидир. Референдумда қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлади ва фақат референдум йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Референдум Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ўтказилади.

Қонунда референдумда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлганлар ва бундай ҳуқуққа эга бўлиши мумкин бўлмаган шахслар доираси аниқ белгилаб қўйилган.

Референдумга қатнашиш учун Сиз референдум ўтказиладиган кунга қадар ёки референдум кунига ўн саккиз ёшга тўлган, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлишингиз талаб этилади. Референдум ҳуқуқингиздан фойдаланишингиз учун ижтимоий келиб чиқишингиз, мулкӣ мавқеингиз, ирқӣ ва миллий мансублигингиз, жинсингиз, маълумотингиз, динга муносабатингиз, машғулотингиз тури ва хусусиятига қараб чекланиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида истиқомат қилаётган ёки турган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси референдумда иштирок этишга тўла ҳақли. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахслар референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Референдумда ҳамиша яширин овоз берилади, уни ўтказиш тартиби сайловлар ўтказиш тартибига ўхшаш.

Референдум ўтказиш бўйича Ўзбекистон ўз тажрибасига эга бўлиб, мустақил Ўзбекистон Республикаси тарихида уч мартаба референдум ўтказилган:

1991 йил 29 декабрь Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги юзасидан 1991 йилнинг 29 декабрида ўтказилган;

1995 йил 26 март Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколат муддатини узайтириш бўйича 1995 йилнинг 26 мартида ўтказилган;

2002 йил 27 январь Ўзбекистон Республикаси Парламенти икки палатали қилиб сайланиши ва Президентнинг ваколат муддати беш йилдан етти йилга узайтирилиши бўйича 2002 йилнинг 27 январида.



Ўзбекистон Республикасида бўлиб ўтган референдумлар жамоатчилик онгидаги жиддий силжишларга сабаб бўлиб, ҳар томонлама ва мулоҳазали таҳлилни, референдумга олиб чиқилган ҳар бир масала, уни бевосита ўтказишнинг ўзи — мамлакат ривожланиши йўлидаги муҳим социал-иқтисодий ва ижтимоий, сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш моҳиятини холисона таҳлил этишга асосланган босқич эканлигини теран англашни талаб этди.

Умумхалқ овоз бериши асосида қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, одатда, давомийлик асосида қонун ҳужжатларида ўз аксини топиши лозим. Жумладан, 2002 йил 4 апрелда эълон қилинган «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни парламентаризм ва сайлаш ҳуқуқи миллий институтининг истиқболдаги такомиллашувига асос яратиб бериб, ислоҳотларнинг янада кенгайтирилишига ва аҳоли турмушининг барча соҳаларини либераллаштиришга ёрдам бермоқда.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, референдум халқ ҳокимиятчилигининг энг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Референдум ўтказишнинг қонунчиликда белгиланган тартибига ва шартларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда ўтказилган референдум мамлакат янада демократлашишига, давлат ва жамият янада ривожланишига олиб келади.

Шу сабабли, қўлланмамининг референдумга оид қисмини диққат билан ўқиб чиқишингизни ва ҳаётингизда қўллашингизни тавсия қиламиз.



IV ОЛИЙ МАЖЛИС ВА ПРЕЗИДЕНТНИНГ ХАЛҚ ВАКИЛИ СИФАТИДАГИ ВАКОЛАТЛАРИ

**КИМЛАР ХАЛҚ
НОМИДАН ИШ
ЮРИТИШИ
МУМКИН?**

- Кимлар халқ номидан иш юритиши мумкин?
- Олий Мажлиснинг халқ вакили сифатидаги ваколатлари ва ундан фойдаланиш тартиби
- Президентнинг халқ вакили сифатидаги ваколатлари ва ундан фойдаланиш тартиби
- Кимлар Ўзбекистон халқи номидан иш олиб бориши мумкин эмас?

Сиз шу жамиятнинг бир қисми бўлган фуқаро сифатида Сизнинг номингиздан давлат бошқарувида иш олиб бориш ваколатига эга бўлган ташкилотлар ва мансабдор шахслар, уларнинг ваколатлари ҳақида биласизми? Уйлаймизки, буни билиш сизга қизиқарли ва фойдали бўлади.

Конституциянинг 8-моддасига мувофиқ «халқ» тушунчаси «фуқаролар» тушунчаси билан тенглаштирилади. Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансуб шахслар уларнинг миллатидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳисобланади.

Ўзбекистон фуқаролари халқ ҳокимияти институтининг моҳиятини ташкил қилувчи демократик қадриятларни, яъни давлат ва жамият ишларини бошқаришда ҳам бевосита, ҳам ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқини, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишни амалга оширади.

Конституциянинг 10-моддасига кўра, Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин. Ушбу норма халқ ҳокимиятчилигига оид нормаларнинг узвий давоми бўлиб, давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи бўлган халқ ҳокимиятини амалга ошириш усулларини ўзида ифодалаган. Мазкур модданинг сиёсий-ҳуқуқий мазмуни халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоида ва нормаларига тўлақонли равишда мувофиқдир.

Жумладан, ЕХХТ Инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси Копенгаген Кенгаши ҳужжатининг 6-моддасида: «халқнинг хоҳиш-иродаси... ҳокимият ва қонунчиликнинг асоси ҳисобланади... Иштирокчи-давлатлар ўз фуқароларининг мамлакат бошқарувидаги бевосита ёки адолатли сайлов жараёнида улар томонидан эркин сайланган вакиллар ёрдамида иштирок этиш ҳуқуқини ҳурмат қиладилар», деб белгиланган.

Олий Мажлисни шакллантириш ва Президентни сайлаш асосини халқ ишончи ташкил этганлиги сабабли, улар халқнинг хоҳиш-истагини амалга оширишга ваколатли ва бунга мажбурдир. Алоҳида олиб қаралганда, халқнинг иродаси — ҳурмат ва эҳтиромни талаб этувчи сиёсий омил. Халқ номидан гапиришдек ҳақиқий ҳуқуққа эга бўлиш учун унинг асл эҳтиёжлари ва интилишларини тушуниб етиш лозим.



■ ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ ХАЛҚ ВАКИЛИ ■ СИФАТИДАГИ ВАКОЛАТЛАРИ ВА УНДАН ■ ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

Конституциянинг 76-моддасига кўра, Олий Мажлис олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Олий Мажлис икки палатадан — Қонунчилик палатаси (қўйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ваколат муддати беш йил.

Ушбу нормадан ҳам тушуниш мумкинки, Олий қонун чиқарувчи органдаги вакилликни кенг маънода тушуниш лозим, яъни депутатлар нафақат сайловчиларнинг вакиллари, балки аҳолининг Ўзбекистон халқининг бутун турли-туманлигини унинг бирлигида ифодалайдиган барча қатламлари ва гуруҳлари вакиллари дир.

Олий Мажлис томонидан халқ манфаатларини ва унинг хоҳиш-иродасини ифодалаш вазифасининг бажарилишини таъминлашнинг Конституциявий воситаларидан бири парламентнинг назоратга оид ваколатлари бўлиб, ушбу ваколатларни рўёбга чиқариш шакллари ва механизмлари Конституцияда, «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонунда ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида аниқ мустаҳкамлаб қўйилган.

Олий Мажлиснинг вакиллик органи сифатидаги хусусияти у умумий эркин сайлов асосида шакллантирилишини ҳам англатади.

Конституциянинг 77-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси қонунга мувофиқ сайланадиган бир юз эллик депутатдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) иборат.

Олий Мажлиснинг Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти кишидан сайланади.

Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Президент томонидан тайинланади.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасининг мақоми, унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати ва бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни билан белгиланган.

Қонунчилик палатасининг иши палата барча депутатларининг профессионал, доимий фаолиятига асосланади.

Қонунчилик палатаси фаолиятининг ҳуқуқий асослари «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда ҳам белгилаб қўйилган.

Қонунчилик палатасининг фаолияти сиёсий хилма-хиллик ва кўп партиявийлик, масалаларни эркин муҳокама этиш ва биргалликда ҳал қилиш, очиқлик ва ошкоралик, жамоатчилик фикрини инобатга олиш каби асосий принципларга асосан олиб борилади.

Парламент халқнинг иродасини қандай шаклда ва усуллар билан ифодалаши чуқурроқ таҳлил қилинганда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи эканлигини янада теранроқ тушуниш мумкин.

Парламент ҳуқуқий жиҳатдан баҳолаганда давлат органи ҳисобланади. Давлат мустақиллигининг ифодаловчиси сифатида халқ парламентни, қонун чиқарувчи ҳокимиятни унинг номидан амалга ошириш учун вакил этиб тайинлайди, яъни халқ ўз ҳуқуқларини вакилларига ваколат қилиб топширади. Бошқача қилиб айтганда, парламент халқнинг хоҳиш-иродасидан келиб чиққан ҳолда, унинг иродасини қонунларда ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ифода этиши лозим.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ХАЛҚ ВАКИЛИ СИФАТИДАГИ ВАКОЛАТЛАРИ ВА УНДАН ФЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

Конституциянинг 89-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди.

Мустақилликка эришилгандан буён Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциявий мақоми бир неча бор ўзгарди. Бу ўзгаришлар мамлакатда амалга оширилган, ҳокимиятлар бўлиниши тамойилига асосланган давлат ҳокимияти тизимини босқичма-босқич ва изчил демократлаштиришни стратегик мақсад қилган социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотлар талабидан келиб чиққандир.

1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиши билан президентлик институти Конституциявий-ҳуқуқий мақомга эга бўлди, унга кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижро этувчи ҳокимияти бошлиғи ҳисобланарди. Шунингдек, у айна вақтда Вазирлар Маҳкамаси Раиси ҳам эди.

Мамлакатда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ривожланиши муносабати билан, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасида амалга оширилган изчил ислоҳотлар натижасида 2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш киритилди, унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Бош вазир раҳбарлик қилади. Шундай қилиб, Президент Вазирлар Маҳкамаси раиси вазифасидан соқит қилинди.

Конституцияга кўра, Вазирлар Маҳкамаси таркиби Президент томонидан тузилган, Бош вазир номзоди эса Президенти тақдимига кўра, Олий Мажлис палаталари томонидан кўриб чиқилган ва тасдиқланган. Вазирлар Маҳкамаси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган.

Бунда Президентнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилиш, Вазирлар Маҳкамаси ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш, шунингдек, Конституциянинг 93-моддасида белгиланган ўзининг мақоми ва ваколатларидан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Бош вазир фармойишларини бекор қилиш ҳуқуқлари сақланиб қолинди.

Президент Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боради мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради, музокаралар олиб боради ҳамда Ўзбекистон Республикасининг шартнома ва битимларини имзолайди.

Президентликка номзодларга қўйилган талаблар:

- ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган
- давлат тилини яхши биладиган
- бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган
- Ўзбекистон Республикаси фуқароси

**Ўзбекистон
Республикаси
Конституцияси
90-моддаси**

Айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиши мумкин эмас.

Президент Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади. Президентни сайлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан белгиланади.

Мамлакатимизда охириги марта 2021 йил 24 октябрь куни президентлик сайлови ўтказилиб, унда амалдаги Президент Ш.Мирзиёев сайловчиларнинг 80.1 % овозини тўплаб ғалаба қозонди.

Президент номзодига қўйиладиган талаблар, уни сайлашнинг асосий тамойилларини белгилаб беради. Баъзи бир хорижий давлатларнинг қонунларидан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон Конституциясида номзоднинг жинси, миллати ва динига қўра (масалан, Мексика, Португалия, Мўғулистонда) президентликка номзодларга қўйиладиган талаблар назарда тутилмайди.

Юқорида келтирилган давлатлар билан солиштирилганда Конституциямизнинг мазкур моддасидаги Президент номзодига қўйиладиган талаблар умумэтироф этилган норма ва стандартларга тўлиқ жавоб беради.

Конституцияга мувофиқ, номзодга қўйилган яна бир талаб бу бошқариш муддатининг чекланиши цензи ҳисобланиб, яъни бир киши кетма-кет икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Президенти бўлиши мумкин эмаслигини билдиради.

Бошқариш муддатининг чекланиши – кўпгина демократик давлатларнинг Асосий қонунида қабул қилинган ва президент лавозимининг турли шахслар томонидан мунтазам равишда алмаштирилишини назарда тутган Конституциявий-ҳуқуқий институт ҳисобланади. Ушбу институт ҳокимиятнинг эҳтимолий монополлаштирилишини, давлат ва жамият қурилишининг демократик тамойилларининг бузилишининг олдини олади, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилади. Муддатлар сонига ва кетма-кет муддатлар сонига мутлақ чегара қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам муддатни чеклаш, ҳам кетма-кетлик муддатининг икки муддатдан ортиқ

бўлмаслигига оид чеклашлар мавжуд. Кўпгина ривожланган хорижий давлатларда, жумладан, АҚШ, Россия Федерациясида олий давлат органларининг юқори лавозимлари учун, президентлик лавозими учун икки муддатлик чеклаш белгилаб қўйилган.

Конституциянинг 93-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Президенти мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради;

Президент Конституциянинг, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафили ҳисобланади, Ўзбекистоннинг суверенитети, мустақиллиги ва давлат яхлитлигини ҳимоя қилиш юзасидан чоралар кўриш унинг зиммасига юклатилган. Бундан ташқари, у давлат ҳокимияти органларининг ўзаро мувофиқлашган фаолияти ва муносабатларини таъминлайди. Шу боис, Конституцияда Президент халқ иродасини ифода этиш вазифасини бажариш учун масъул этиб белгиланган.

Ўз вакилларини сайлаган халқ уларга ўз ишончини билдиради. Бу эса ҳеч бир ҳокимият тармоғининг ўз хоҳишига биноан, халқ хоҳиш-истагини сохталаштиришга ёки ҳокимиятни зўрлик билан тортиб олишга ҳаққи йўқ деганидир. Зеро, халқ иродаси — мамлакат манфаатларидир, халқ хоҳиш-истагига мувофиқ қабул қилинган ҳар қандай қарор ортида ҳозирги ва келажак авлод олдидаги тарихий масъулият ётади.

Халқаро муносабатларда Президент ўз давлати номидан иш юритади ва ўз мақоми туфайли бунинг учун махсус ваколатга муҳтож эмас. Хусусан, «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Қонунининг 13-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғи сифатида халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради ва халқаро ҳуқуқий нормалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ махсус ваколатларсиз музокаралар олиб боради ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини имзолайди.

Шуни таъкидлаш керакки, Президент давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлашга, Ўзбекистон атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яқин қўшничилик камарини яратишга, мамлакатнинг халқаро имиджини мустаҳкамлашга йўналтирилган чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи сиёсатнинг амалга оширилишини таъминлайди ва бу Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш стратегиясида устувор йўналиш сифатида белгиланган.

КИМЛАР ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ НОМИДАН ИШ ОЛИБ БОРИШИ МУМКИН ЭМАС?

Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси Копенгаген Кенгаши ҳужжатининг 6-моддасида давлатлар, ўз қонунлари ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқий мажбуриятларига ва ўзларининг халқаро мажбуриятларига мувофиқ халқнинг хоҳиш-иродаси билан ўрнатилган демократик тартибни алоҳида шахс, гуруҳ ёки ташкилотларнинг уни ағдаришга қаратилган фаолиятдан ҳимоя қилиш ва қўриқлашга доир мажбуриятларини эътироф этадилар деб белгиланган.

Халқаро ҳуқуқнинг мазкур нормаси Конституциямизнинг 10-моддасида жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмаслиги тўғрисидаги норма кўринишида ўз ифодасини топган.

Шу ўринда сиёсий партия ва жамоат бирлашмалари нима эканлигини тушуниб олишимиз юқоридаги модда мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ англашимизга ёрдам беради.

Қонунчиликка кўра, сиёсий партия бу — ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифодаловчи, уларнинг энг фаол вакилларини бирлаштирувчи сиёсий ташкилот ҳисобланади. Сиёсий партиялар

жамият сиёсий тизимининг муҳим қисми, улар давлатнинг сиёсий йўналишини белгилашда иштирок этади, ҳукуматнинг вакиллик ва ижро этувчи муассасаларини шакллантиради.

Жамоат бирлашмаси эса ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма ҳисобланади.

Конституциямизнинг 10-моддаси бир қатор тегишли ҳужжатлар мажмуаси билан мустақамланган. Жумладан, «Ҳокимиятнинг Конституциявий идораларини қўриқлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясида ҳамда улар асосида қабул қилинган қонунларда белгилаб берилган ҳокимият Конституциявий идораларининг ваколатларини ўзлаштиришга ҳеч ким ҳақли эмас», деб белгиланди.

«Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасига кўра, жамоат бирлашмалари ва уларнинг идоралари томонидан қонуний ва демократик йўл билан шакллантирилган ҳокимият ва бошқарув идоралари ҳамда ҳокимият ваколатларига эга бўлганларга нисбатан ғайридемократик тарзда куч ишлатиб тазйиқ ўтказиш тақиқланади. Қонуний равишда амал қилиб турган ҳокимият ва бошқарув идоралари ҳамда мансабдор шахсларга демократик усулда ҳал этиш баҳонаси билан тазйиқ ўтказишга бўлган ҳар қандай уринишга қонун билан барҳам берилади.

Давлат ҳудудида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мувофиқлаштирадиган бошқа рақобатдош мувозий қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг бўлиши мумкин эмас. Халқ ҳокимиятининг Конституциявий принциплари, қонун устуворлиги ва Асосий Қонуннинг бошқа қоидалари қўш ҳокимиятчилик имкониятининг ўзини инкор этиб, фақат қонуний сайланиб, халқнинг хоҳиш-иродасини ифода этувчи Республика Олий Мажлиси ва

Президенти томондан қабул қилинган қонун ва қарорларнинг олиш хуқуқий қучи ва қонунийлигини тан олади.

Ушбу норманинг зарурлиги нафақат сиёсий мулоҳазалар, на- зарий қарашларда (жижмийликнинг эришарлиги, муайян қуч-ларнинг ҳокимиятини эгаллаб олишни таъминлаш ва ҳоказолар), бал- ки амалиётда юзага келган муайян ҳолатлардан ҳам келиб чиқади. Хусусан, 1991 йил август ойида «совет раҳбарияти» номи- дан иш қўрган, конституцияга эид равишда ташкил этилган — Фавқулодда ҳолатлар бўйича давлат қўмитасини (ФХДК) мисол сифатида келтириш мумкин.

Юз бериши мумкин бўлган ўзбошимچликдан ҳалқимизни муҳофаза этиш мақсадида 1991 йил 21 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти томондан СССРда Фавқулодда ҳолат бўйича давлат қўмитасининг СССР Конституцияси ҳамда қонунлари, Ўзбекистон ССР Конституцияси ҳамда қонунлари эид келадиган қарорлар ва қарорлар ҳақиқий эмас деб ҳисоблаш тўғрисидаги қарорни қабул қилган.

Кейинчалик мустақил Ўзбекистоннинг жижиимий-сиёсий ривожланиши бўзғунликнинг каифиятида бўлган муайян қарорлар гуруҳлари орасидаги салбий таъсирнинг ўсиши жамиятда таҳдид солиши мумкинлигини намойён этди. Зеро, муайян сиёсий қуч ва ҳаракатларнинг вақилари ўзлари вақилардан чиққандек қўратиб, ҳалқнинг хохиш-иродасини ифода этиш вазиаси- ни ўз эималари олиб, ўз фикрларини халқнинг, деб қўратилиши мумкин бўлган сиёсий ҳаётда содир этилиши мумкин бўлган шубҳали ҳолатларнинг олдини олишни таъминлаш мақсадида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг олиш хуқуқий қучи ва қонунийлигини тан олади.

Шубҳасиз, ҳалқ номидан иш олиб бориши мумкин бўлган Республика Олий Мажлиси ва Президентининг олиш хуқуқий қучи ва қарорларнинг олиш хуқуқий қучи ва қонунийлигини тан олади.

Давлат ҳудудида фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари- ни мувофиқлаштирадиган бошқа қарорларнинг олиш хуқуқий қучи ва қонунийлигини тан олади.




Чикарларнинг ҳокимиятини таъминлаш мумкин эмас.

Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва ушбу ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Жиноят кодексининг 159-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф тарзда ўзгартиришга, ҳокимиятни босиб олишга ёхуд қонуний равишда сайлаб қўйилган ёки тайинланган ҳокимият вакилларини ҳокимиятдан четлатишга ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлигини Конституцияга хилоф тарзда бузишга очиқдан-очиқ даъват қилиш, шунингдек, бундай мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш:

-  базавий ҳисоблаш миқдорининг **олти юз бараваригача** миқдорда жарима
-  ёки **икки йилдан беш йилгача** озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ҳокимият Конституциявий органларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки уларни Конституцияда назарда тутилмаган параллел ҳокимият тузилмалари билан алмаштиришга қаратилган зўравонлик ҳаракатлари, шунингдек, давлат ҳокимияти ваколатли органларининг Ўзбекистон Конституциясида назарда тутилмаган тартибда тузилган ҳокимият тузилмаларини тарқатиб юбориш тўғрисидаги қарорларини белгиланган муддатда бажармаслик:

-  базавий ҳисоблаш миқдорининг **икки юз бараваридан олти юз бараваригача** миқдорда жарима
-  ёки **уч йилдан беш йилгача** озодликни чеклаш
-  ёхуд **уч йилдан беш йилгача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар:

- ☑ такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; **беш йилдан ўн йилгача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади
- ☑ уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаган ҳолда со-дир этилган бўлса
- ☑ Ҳокимиятни босиб олиш ёки Ўзбекистон Республикаси Консти-туциявий тузумини афдариб ташлаш мақсадида фитна уюштириш **ўн йилдан йигирма йил-гача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади

Фитна тўғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равишда хабар берган шахс, башарти, кўрилган чоралар натижасида фит-нанинг олди олинган бўлса, жазодан озод қилинади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Конституциянинг давлат бошқарувига оид талабларига оғишмай риоя қилиниши давлат ва жамиятимиз демократик принциплар асосида янада тараққий этишига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ таъминланишига, халқ ва давлат ўртасидаги ишонч ортишига ва мустаҳкамланишига олиб келади.



V ҲОКИМИЯТЛАР БЎЛИНИШИ ПРИНЦИПИ – ДЕМОКРАТИЯНИНГ АСОСИ

■ ҲОКИМИЯТЛАР ■ БЎЛИНИШИ ■ ПРИНЦИПИ НИМА?

- Ҳокимиятлар бўлиниши принципи нима?
- Давлат бошқарувида қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ўрни ва вазифалари
- Давлат бошқарувида ижро этувчи ҳокимиятнинг ўрни ва вазифалари
- Давлат бошқарувида суд ҳокимиятининг ўрни ва вазифалари

Конституциямиздаги ҳокимиятлар бўлиниши нима эканлиги ва ушбу бўлиниш нима сабабдан амалга оширилиши ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Ушбу саволга жавоб топиш ва ҳокимиятлар бўлиниши принципнинг мазмун-моҳиятини чуқурроқ англашимиз учун ҳокимиятлар бўлинишига оид дастлабки қарашлар ва ғояларни таҳлил қиламиз.

Анъанавий тарзда ҳокимиятлар бўлиниши ғоясининг илк замини сифатида қадимги Юнонистон ва қадимги Рим қайд этилади. Платон, Арасту ва бошқа антик олам мутафаккирлари ўзлари яшаб турган давлат тузилмалари сиёсий тузилиши ва бошқарув шакллари ҳар томонлама таҳлил этиш асосида муайян назарий, амалий хулосаларни шакллантирганлар.

Ҳокимиятлар бўлиниши ҳақидаги қарашлар кейинчалик инглиз файласуфи Джон Локк томонидан назарий жиҳатдан ривожлантирилган. Локк ҳокимиятлар тизимида қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ўрнини гарчи, мутлақлаштирмаган бўлсада, бироқ бошқаларидан устун қўйган.

Локкнинг қарашларини Шарл Луи Монтескье ҳар томонлама ривожлантириб, уни тугал, классик бир назария даражасига кўтарган. Ҳокимиятлар бўлиниши назариясининг ривожига, айниқса, унинг «бир-бирини тийиб, мувозанатда ушлаб туриш» тизимининг бойитилишига, бу назариянинг ҳозирги замон кўринишидаги шаклининг ишлаб чиқилишига Т. Пейн, Т. Джефферсон, А. Гамильтон, Д. Мэдисон, Д. Джеейлар ҳал қилувчи ҳисса қўшган.

Ҳокимият тармоқларининг «бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатда ушлаш» принципини назарий жиҳатдан янада ривожлантирган ва уни амалиётга татбиқ этишга катта ҳисса қўшган давлат арбоби, икки марта АҚШ Президенти бўлган Джеймс Медисон ҳисобланади.

Медисоннинг хизмати шундаки, у бир-бирини тийиб ва мувозанатда ушлаб туриш тизимининг шундай бир механизмини ишлаб чиққанки, унга кўра ҳокимиятнинг ҳар бир тармоғи нисбатан тенг ҳисобланади. Медисонча бир-бирини тийиш ва мувозанатда бўлиш принципи ҳокимият уч тармоғи ваколатларининг қисман бир-бирига мос келишини тақозо этади.

Ҳозирги кунда ҳокимиятлар бўлиниши принципи демократик ҳуқуқий ривожланиш йўлидан кетаётган давлатларда ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан эътироф этилган ҳамда давлатчилик тизимида амалга ошириб келинмоқда.

Хисобга олган холда реал маъмул билан бойитиб бодирмоқда. Пи давлат ва фуқаролик институтларининг етуклик даражасини пивий амалиётга киритилган ҳокимиятнинг бўлиниши принци- Узбекистон Республикасининг конституцияси ва конститу- ни кучайтиришга қаратилган эди.

Ҳокимияти органиларининг ваколатлари, жумладан, назорат роли- риш, марказда ва жойларда қонун чикаривчи ҳамда вакилик манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шаклланти- значил табик этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва уллар ҳокимиятнинг бўлиниши конституциявий принципни ҳаётга ислох қилиш борасида кенг қўллагили ишлар амалга оширилади ва Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг ниязини таъкил этади.

бир-бирига боғлиқ эмас. Шу билан бирга, уллар яхлит давлат меҳа- ва турли инстанция судлари. Ушбу ҳокимиятлар мустақил бўлиб, Маҳкамаси ва суд ҳокимияти — конституциявий суд, Олий суд си, ижро этивчи ҳокимият — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар- чикаривчи ҳокимият — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли- лат ҳокимиятининг ягона тизими уч тармоққа бўлинади: қонун Конституциянинг 11-моддасига қўра, Ўзбекистонда дав-

ДАВАТ БОШҚАРВИДА ҚОНУН **ЧИКАРВЧИ ҲОКИМИЯТНИНГ ЎРНИ ВА** **ВАЗИФАЛАРИ**

миятлар бўлиниши ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Республикасининг конституциясида ҳам ҳоки- асослари мустақкамланган. бирини тийиб туриш ва мувозанатда ушлаш» тизимининг хукукий ишлаши муҳим. Ўзбекистон Республикаси конституциясида «бир- туриш ва мувозанатда ушлаш» тизимининг мавжудлиги ва реал ципининг ҳақикий амалга ошиши учун унда «бир-бирини тийиб Юқорида таъкидланганндек, ҳокимиятлар бўлиниши прин-



Хусусан, сўнги йилларда ўтказилган Конституциявий ислохотлар кўп партиявийлик тизимининг изчил ривожланишини, ҳокимият вакиллик органларининг роли кучайишини таъминлади. Масалан, парламент ва ҳукумат ваколатларининг трансформацияси шунга олиб келдики, эндиликда мамлакат Бош вазирининг тайинланишида парламент ва давлат раҳбари билан биргаликда парламентдаги кўпчиликни ташкил этувчи сиёсий партия ҳам иштирок этади, бу эса давлат механизмида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини тубдан ўзгартириб юборди.

Парламентаризм асосларининг босқичма-босқич мустаҳкамланиши ва парламентнинг давлат ҳокимияти тизимидаги ролининг ошиши ҳокимиятнинг бўлиниши принципини амалга ошириш соҳасида асосий тенденция бўлиб хизмат қилади.

Ушбу соҳа янада демократлашиши, ваколатлар мутаносиб тарзда қайта тақсимланишини таъминлашда 2005 йилда икки палатали парламентга ўтилиши ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат

туришта, тўсиқсиз ва мустақил ҳолда амалга оширишга ёрдам берадиган ҳокимият тармоқлари томонидан ўз функцияларини тийиб-рининг мубозанати бўлишига йўл қўймаслигини таъминлайди, рилишини, ҳокимият тармоқлари орасида ҳокимият ваколати-стигунци ва амалдаги қонунлар талабларининг оғишмай бажа-Узаро тийиб туриш ва манфаатлар мубозанати тизими қон-лар мубозанати тизими асосида амалга оширилади.

ва қонунларда мустақкамланган ўзаро тийиб туриш ва манфаат-бўлган органлар ўртасидаги ҳамкорлик қонституция нормаларида олишдан иборатдир. Ҳокимиятнинг турли тармоқларига тегишли ҳокимият ваколатларини битта органда тўланишининг олдини келиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти монополиясининг, яъни тоталитар каби нодемократик режимларнинг ўрнатилишига олиб Ҳокимият ваколатини бундай бўлишдан мақсад — авторитар, кини таъминлашнинг демократик шаклидир.

бўтнини фаоллаштиришни таъминлашда ҳалқ вакилларининг иштиро-такозо этади. Бундай вакиллик ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи қорлиги ваколатлари айнан вакиллик органига тегишли бўлишини белгилашдан иборатдир, негаки демократиянинг ўзи қонун жод-ти ҳозирги дунёда демократик давлатнинг умумэърифот этилган Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг вакиллик ҳусусиятига эъло-дати беш йил.

Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) Қонунчилик палатаси ва Сенат ваколати мўд-Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан — 120 тадан 150 га оширилади.

2009 йилда Қонунчилик палатасидagi депутатлик ўринлари сонини ва ролинини янада кенгайтириш ҳамда мустақкамлаш мақсадида демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнидаги ўрни Мамлакат олий қонун чиқарувчи органининг жамиятнинг де-ролинини янада ошириди.

мамлакат Сенатига ўтказилиши қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг қилиди. Президент ваколатлари бир қисмининг юқори палатага —

ради. Бу билан давлатда демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳақиқий ҳимояси таъминланади.

Ҳокимиятларнинг бўлиниш тизими ҳар бир ҳокимият тармоғининг, ҳар бир давлат органининг ваколатлари ва жавобгарлигини аниқ белгилаб беришга, давлатни бошқаришда бирлик ва уйғунликка эришишга ёрдам берадиган ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини яратишга имкон беради.

Шу билан бирга, ҳокимиятнинг бўлиниши ҳокимият тармоқларининг ўзаро алоқасини инкор қилмасдан, балки уларнинг мавжудлигини, давлатнинг вазифа ва функцияларини амалга оширишда барча тармоқларнинг жипслашишига қаратилган ягона давлат сиёсати юритилишини кўзда тутди.

Чунки, Конституциямизнинг 7-моддасида таъкидланганидек, халқ давлат ҳокимиятининг ягона манбаси бўлганлиги сабабли ҳокимият халқ манфаатини кўзлаб ҳаракат қилади.

Масалан, парламент ва ҳукумат турли ваколатларга эга ҳамда мазмунига кўра турли хил бўлган функцияларни бажаради, бироқ улар яқин ҳамкорлик қилишади, биргаликда ягона давлат ҳокимиятини амалга оширади, чунки уларнинг фаолияти умумий мақсадга — халқнинг муносиб турмуш тарзи ва фаровонлигини таъминлашга қаратилган бўлади.

Давлат ҳокимияти тармоқларининг ўзаро ҳаракат қилиши муайян умумий принципларга асосланиб қурилади. Давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларининг мустақиллик принципи, ҳаракатларнинг мувофиқлашганлиги принципи, ўзаро таъсир қилиш принципи, ўзаро жавобгарлик принципи, келишув асосида баҳсли масалаларни тартибга солиш принципи шулар жумласидандир.

Конституциянинг 76-моддасига кўра, Олий Мажлис олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида:

- Давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини янада ошириш;
- Олий Мажлиснинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш;
- Қабул қилинаётган қонунларнинг амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш устувор йўналиш сифатида белгиланган.

Олий Мажлис томонидан халқ манфаатларини ва унинг хоҳиш-иродасини ифодалаш вазифасининг бажарилишини таъминлашнинг Конституциявий воситаларидан бири парламентнинг назоратга оид ваколатлари бўлиб, ушбу ваколатларни рўёбга чиқариш шакллари ва механизмлари Конституцияда, «Парламент назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида аниқ мустаҳкамлаб қўйилган.

■ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ■ ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТНИНГ ■ ЎРНИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Давлат ҳокимиятининг Сиз билан энг кўп муносабатга киришадиган, Сизнинг муаммо ва таклифларингизни кўриб чиқадиغان, билим олиш, ишлаш, дам олиш соҳасидаги ҳуқуқларингиздан фойдаланишингиз учун шароитлар яратадиган, Сиз яшаб келаётган ҳудудларнинг ободонлаштирилиши масалалари билан шуғулланадиган қисми бу ижро этувчи ҳокимиятидир. Ижро ҳокимияти тизимида Вазирлар Маҳкамаси раҳбарлик қилади.

Конституциянинг 98-моддасига кўра, Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Вазирлар Маҳкамаси Бош вазир, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилган вазифалар ижросини таъминлаши учун қонунчиликка асосан унга бир қанча ваколатлар берилган.

Хусусан, у самарали иқтисодий, ижтимоий, молиявий, пул-кредит сиёсати юритилиши, фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлашни ҳамда иқтисодиётнинг ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши учун жавобгар бўлади.

Фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чоратадбирларни амалга оширади, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ишини мувофиқлаштиради ва йўналтиради, уларнинг фаолияти устидан қонунда белгиланган тартибда назоратни таъминлайди, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этади.

Вазирлар Маҳкамаси Конституциявий нормалар доирасида ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти олдида жавобгардир. Амалдаги Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ўз ваколатла-

рини зиммасидан соқит қилади, бироқ Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби шакллантирилгунига қадар мамлакат Президентининг қарорига мувофиқ ўз фаолиятини давом эттириб туради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади.

Бош вазир лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида унинг номзоди кўриб чиқиладиганда ва тасдиқланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этади.

Бош вазир номзоди унинг учун тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Бош вазирнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси маъқуллаганидан кейин киритилган тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколат доираси қонун билан белгиланади.

2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакат Президенти бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимиятнинг раҳбари ҳисобланишига оид норма чиқариб ташланди. Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этиш учун масъулият Бош вазир зиммасига юклатилди.

2011, 2014 йилларда Конституцияга киритилган тузатишларга мувофиқ Президент Бош вазирнинг тақдимотига биноан вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимини тайинлаши ҳамда лавозимидан озод этиши белгиланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамаси ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқи чиқариб ташланди. Бош вазирнинг, Вазирлар Маҳкамасининг халқаро муносабатларда иш кўриши борасидаги мустақиллиги кучайди.

Вазирлар Маҳкамасининг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги ЎРҚ-591-сон Қонун билан тартибга солинган.

■ **МАЗКУР ҚОНУНГА КЎРА:**

Вазирлар Маҳкамаси — Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ижро этувчи ҳокимиятнинг олий органи бўлиб, иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг самарали фаолият кўрсатишига раҳбарлик қилишни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасида ижро этувчи ҳокимиятнинг ягона тизими га раҳбарлик қиладиган коллегиял органдир.

Шунингдек, Қонуннинг 6-моддасига кўра, Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир лавозимига тақдим этилган номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кунлик муддатда уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади.

Бош вазир лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида унинг номзоди кўриб чиқилагаётган ва тасдиқланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастурини тақдим этади.

Бош вазир номзоди, агар уни ёқлаб тегишинча Қонунчилик палатаси депутатлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (бундан буён матнда Сенат деб юритилади) аъзо-

рари умумий сонининг ярмидан кўли овоз берса, тасдиқланган хисобланади.

Вазирлар Маҳкамаси аъзолари бош вазирнинг қонунчилик палатаси маъқуллаганидан кейин киритилган тақдирномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан тасдиқланади ва лавозимидан озод этилади.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси қонунчилик ташаббу- сита ҳам эра.

Вазирлар Маҳкамаси, амалдаги қонунга мувофиқ, ўз фао- лиятида қолғиларик, демократия ва қонунчилик, Ўзбекистон Республикасида яшовчи барча миллат ва элларнинг манфаатла- рини ҳисобга олиш принципларига асосланади.

■ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ■ СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎРНИ ВА ■ ВАЗИФАЛАРИ

Суд ҳоқимияти давлат ҳоқимиятининг Сизнинг ҳуқуқий муаммоларингизни кўриб чиқадиган, бузилган ҳуқуқларингизни тиклашга кўмаклашадиган, қонун устуворлигини таъминлайдиган муҳим қисми бўлиб ҳисобланади.

Унинг ўрни шунда кўринадики, суд ҳоқимиятнинг бўлиниши тизимида улар ўртасида юзага келган мувозанатнинг кафолати сифатида намоён бўлади. Бунинг учун у давлат органларининг Конституция талабларига содиқлигини таъминлайди ҳамда фуқароларни давлат бош-



қаруви органларининг ўзбошимчалигидан, уларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ҳамда ижро этилишидан ҳимоя қилади.

Конституциянинг 106-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида суд ҳоқимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳоқимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

Суд ҳоқимияти давлат ҳоқимиятининг мустақил тармоғи сифатида судлар томонидан амалга оширилади, қонун билан суд иш юритуви учун белгиланган ваколатларни бажаради.

Давлат мустақиллигининг илк кунлариданоқ, халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти, БМТга аъзо давлат сифатида Ўзбекистон Республикаси инсонпарвар демократик ҳуқуқий дав-

лат қурши, фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган аълоли сийсат олиб бориши йўналлишни эълон қилди.

Суд ҳокимиятини мустақиллиги ҳақидаги Конституция-вий қондалар фуқаролик процессуал, Жинот-процессуал, Иқтисодий процессуал, Мамурий суд ишларини юри-тиш тўғрисидаги қондалар, «Судлар тўғрисида» қонунда ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида мустақамланган.

Конституциянинг 107-моддасида Ўзбекистон Республикасида суд тизими Ўзбекистон Республикаси Конституция-вий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қорақалпоғистон Республикаси мамурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мамурий судлари, фуқаролик ишлари бўйича туман, туманлараро, туман, шаҳар судлари, жинот ишлари бўйича туман, шаҳар судлари, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судлари ва мамурий судлардан иборатдир.

Судларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият қуратиш тар-тиби қонун билан белгиланади. Фақуллада судлар тузишга йўл қўйилмайд.

Судларнинг фаолияти, бошқа давлат ҳокимияти органларида фарқли равишда, ишларни қуршида суднинг ҳар бир ҳаракатини тартибга солувида қайд этилган қонунлар, процессуал қондалар билан қатий белгиланган.

Суд ишларини қуртиш тартибларининг фарқи қурриётган ишларнинг ҳусуси ва тегишли суднинг вазиаси билан узвий боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июл-даги «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил суд-лов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-6034-сонли Фармон билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумқонқисқия суд-ларининг, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар

ва Тошкент шаҳар маъмурий судларининг янгиланган тузилмаси тасдиқланди.

Қайд этиш лозимки, битта юрисдикция ичида ҳам судлар тартибга солинган тизимни ташкил қилади. Бу ҳолат ҳар хил ҳудудлардаги судлар ўртасида ишларни тақсимланиши ва ҳар хил даражадаги судлар ўртасида ишларнинг мураккаблиги бўйича (судловлик асосида) тақсимланиши зарурияти билан боғлиқ.

Ҳудудийлик тамойили асосида ишларнинг тақсимланиши ҳар қандай шахсга ҳимоя қидириб, ҳуқуқий низо вужудга келган жойдаги судга мурожаат қилиш масала ечимининг ҳал қилинишини таъминлайди.

Конституциянинг 108-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тавсия этган сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар орасидан, Қорақалпоғистон Республикасининг вакилини қўшган ҳолда сайланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди ўз таркибидан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раисини ва унинг ўринбосарини сайлайди.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятни «тийиб турувчи ва мувозанатда ушлаб турувчи» ҳуқуқий чоралар сирасига, аввало, Конституциявий суд томонидан қонун чиқарувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мослигини текшириш ваколатини кўрсатиш жоиз. Суд ҳокимиятининг тизимига кирадиган ушбу суд қонун чиқарувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституция асосида, унинг доирасидан чиқмаган ҳолда ҳужжатлар қабул қилинишини текширади ва шу тариқа бу ҳокимиятни «тийиб» туради.

Констициянинг 109-моддасида Конституциявий суднинг ваколатлари ва вазифалари белгилаб қўйилган. Унга кўра Конституциявий суд:

- Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, ҳукумат, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунига қадар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди;
- Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;
- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига шарҳ беради;
- Ўзбекистон Республикаси Олий судининг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган муурожаатини кўриб чиқади;
- Конституциявий судлов ишларини юритиш амалиётини умумлаштириш натижалари юзасидан ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мамлакатдаги Конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этади; Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколати доирасида бошқа ишларни кўриб чиқади.

Конституциявий суднинг ҳужжати расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради. Конституциявий суднинг ҳужжати қатъий ва унинг устидан шикоят қилиниши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланиши Конституциянинг 110-моддасида белгилаб қўйилган. У томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида бажарилиши мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди қўйи судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий судидан ташқари Судьялар олий кенгаши ҳам судлов соҳасида муҳим ваколатларга эга. 2017 йил 6 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги Қонунга кўра, мазкур Кенгаш суд ҳокимияти мустақиллигининг Конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашади.

Хусусан, Конституциянинг 111-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши судьялар ҳамжамиятининг органи бўлиб, у Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг мустақиллиги Конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашади.

Конституциянинг 112-моддасига кўра, судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашади йўл қўйилмайди ва бундай аралашади қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади.

Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони ҳамда ушбу Фармон билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфа-

атлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури»да судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштиришга оид қатор чора-тадбирлар назарда тутилди.

ХУСУСАН ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚОНУНЛАРГА МУВОФИҚ:



судья лавозимида бўлишнинг илк маротаба беш йиллик, кейин ўн йиллик муддати ва шундан сўнг муддатсиз даври белгиланди;



Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси негизида Судьялар олий кенгаши ташкил этилди;



судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш механизминини, шу жумладан, унинг асосларини аниқлаштириш орқали такомиллаштирилиб, суд раисларининг судьяларга нисбатан интизомий иш қўзғатишга оид ваколати тугатилди;



Ўзбекистон Республикаси Олий судига адлия органларининг умумий юрисдикция судлари фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш соҳасидаги вазифа ва ваколатлари, шунингдек, тегишли штат бирлиги ўтказилди.



Суд аппаратини мустаҳкамлаш, судьяларнинг алоҳида мақомини инобатга олган ҳолда, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш нормалари ва пенсия таъминотининг оптимал тартиби белгиланди;



Алоҳида ҳуқуқий ҳолатини эътиборга олган ҳолда Қонун билан судья лавозимида бўлишнинг энг юқори ёши, яъни туман ва вилоят судлари судья лавозимлари 65 ёшгача, Конституциявий ва Олий суд судьялари лавозимлари — 70 ёшгача этиб белгиланди.

Судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунishi
 принципи судьялар томонидан фуқаролик, иқтисодий, жинс
 ва маъруий ишларни ҳолис ва объектив кўриш ва ҳал этишда
 ги муҳим шартлардан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан
 судьяларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, уларнинг модадий ва
 жимий таъминотини мустаҳкамлаш билан боғлиқ мамлақати
 мизда амалга ошириладиган чоралар алоҳида ўрни тутади.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, қонун чиқарувчи, ижро
 этувчи ва суд ҳокимиятининг вазифалари ва ваколатларини били-
 шнингиз, уларга туғри, асосли муножаатлар қилишингизга, мавқуд
 ҳуқуқларингиз рўйга чиқишига, бузилган ҳуқуқларингиз эса тик-
 ланишига олиб келадди.

VI

ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА СИЁСИЙ ИНСТИТУТЛАР ВА МАФКУРАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

■ СИЁСИЙ ИНСТИТУТЛАР, МАФКУРАЛАР ВА ■ ФИКРЛАР ХИЛМА- ■ ХИЛЛИГИ НИМА?

■ Сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги нима?

■ Мафкуралар хилма-хиллиги бизга нима беради?

Ҳар бир давлатда демократия бўлиши учун унда сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги бўлиши керак. Чунки фақатгина сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги бўлган жамиятдагина Сиз ўз фикрларингиз, қарашларингизни эркин ифода этиб, уларни амалга оширишингиз мумкин.

Конституциямиз халқимизнинг тарихи, дунёқараши, маънавияти, миллий манфаатлари ва миллий анъаналари, орзу-истакларидан келиб чиқилган ҳолда қабул қилинган.

Мустақиллик эълон қилинган республикамизда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришнинг сиёсий ва ҳуқуқий кафолатлари қисқа муддатларда Конституция ва бошқа қонунларда ўз ифодасини топди. Натижада фуқаролик жамиятини шакллантириш учун ҳуқуқий асослар яратилди. Фуқаролик жамияти шаклланиши ҳар қандай давлатда ҳам рўй беравермайди.

Фуқаролик жамиятининг асосий белгиларига кўп партиявийлик, сиёсий ҳаётнинг ва сиёсий институтларнинг, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги, ўзини-ўзи бошқариш органи мавқеининг баландлиги, жамиятни бошқаришда оммавий ахборот воситалари ролининг ортиши киради.

Ўтган даврда фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга, фуқароларнинг энг муҳим социал-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга, шу жумладан, жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор Қонунлар, Фармон ва қарорлар қабул қилинди ва давлат томонидан фуқаролик жамияти, нодавлат нотижорат ташкилотларни шакллантириш ва ривожлантиришга барча шарт-шароитлар яратиб берилди.

Ўтган даврда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш жараёнини янада чуқурлаштириш ва ҳуқуқий давлат қуришда сиёсий соҳани янада эркинлаштириш концепцияси ишлаб чиқилди ва унинг бир қатор йўналишлари белгиланди. Натижада, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатдан юксалди. Ҳозирда мамлакатимизда 5 та сиёсий партия фаолият юритмоқда. Ўзини ўзи бошқариш органи ҳам демократик тамойиллар асосида ривожланиб бормоқда. Республикада 10 мингга яқин қишлоқ, овул, шаҳарча ва маҳалла фуқаролар йиғинлари мавжуд бўлиб, улардан 8142 таси фуқаролик жамиятининг энг оммавий ва халқчил институти сифатида ривожланаётган маҳаллалардан иборатдир.

Конституциянинг 12-моддасига кўра, Ўзбекистонда сиёсий ва мафкуравий хилма-хиллик чораси ва тамойилларини белгилайди

ҳамда уларни демократиянинг асосий тавсифларидан бири сифатида белгилайди.

Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг фаолият юритиши фақат сиёсий ва мафкуравий хилма-хилликка асосланади. Чунки одамлар табиатан бир хил бўлмагани учун уларнинг турли-туман фикрлари ва эътиқодларини бир тизимдаги қарашларга жамлаш, умумий фаровонлик ҳақида универсал тушунча яратиш мумкин бўлмайди. Фуқароларга ўзларининг фикрлари, қарашлари ва эътиқодларини қонун доирасида ифодалашларига шароит яратиб бериш эса давлатнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги жамият ва давлатнинг шундай ҳолатидан дарак берадики, унда турли хил сиёсий ғоялар ҳамда фикрларни ифодалаш ва татбиқ этиш учун Конституция ҳамда қонунлар асосида фаолият юритадиган партия ва бошқа жамоат бирлашмалари тузилиши мумкин.

Сиёсий хилма-хиллик — бу жамиятда турли хил сиёсий қарашларнинг эркин намоён бўлиши имконияти, шунингдек, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, ҳаракатларини ошқора тузиш ҳамда уларнинг фаолият юритиш имкониятини таъсис этадиган Конституциявий тамойилдир. Фикрлар ва эътиқодлар, виждон ва диний эътиқод, бирлашиш, йиғинлар ўтказиш, сўз, матбуот ва бошқалар эркинлиги, шунингдек, демократик сайлов тизимининг мавжудлиги сиёсий хилма-хилликнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

Конституция сиёсий институтларнинг хилма-хиллигини, сиёсий партияларнинг қонун олдида тенглигини эълон қила туриб, жамоат бирлашмалари мавжуд бўлишининг ташкилий ва фаолият қирралари чекланишини ҳам белгилайди. Зотан, давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилинишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг имкониятлар яратиб беради. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашиши, ва аксинча, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

халқаро пактда ва бошқа халқаро ҳужжатларда белгиланган. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳар бир инсоннинг тинч йиғинлар ўтказиш ва уюшмалар тузиш ҳуқуқига эгаллиги, ҳеч ким бирор-бир уюшмага киришга мажбур қилиниши мумкин эмаслиги белгиланган.

Шунингдек, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 22-моддасида «Ҳар бир инсон бошқалар билан уюшиш эркинлиги ҳуқуқига, шу жумладан касаба уюшмалари ташкил этиш эркинлиги ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун шундай уюшмаларга кириш ҳуқуқига эгаллиги» қайд этилган.

Сиёсий хилма-хиллик Ўзбекистонда кўп партиявийлик тизими қарор топиши, унда турли ижтимоий гуруҳлар иштирокининг асоси бўлиб ҳисобланади. Юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳар бир босқичида бу жараён партияларнинг сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган ҳуқуқий асосларни яратишга асосланган. Конституция ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар, яъни «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги ва бошқа қатор қонун ҳужжатлари аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ифодаловчи партиялар ҳамда жамоат бирлашмаларини тузиш ва уларнинг эркин ривожланишининг мустаҳкам ҳуқуқий базасини яратди.

Кўппартиявийлик деганда Конституция кафолатлари асосида бир неча сиёсий партияларни тузиш ва уларнинг мамлакат сиёсий ҳаётида иштирок этишининг ҳақиқий имкониятлари мавжудлиги тушунилади.

Кўппартиявийликнинг ривожланишида Ўзбекистонда демократик Конституциявий ўзгаришларнинг мантиқий давомини белгилаган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Қонун алоҳида аҳамият касб этади. Конституцияга киритилган мазкур тузатишлар партиялараро кураш, уларнинг ғоялари ва дастурлари, ва умуман, кўппартиявийлик тизими ривожланиши учун ҳақиқий шароитлар яратди.

Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши сиёсий партияларга давлат оммавий ахборот воситаларида бепул бир хил ҳажмда бўлган эфир вақти ва босма майдонига тенг ҳуқуқлилиқ асосида эга бўлишда, босма, кўргазмали, аудиовизуал материаллар, фонограммалар, босма маҳсулотларнинг электрон шакллари ҳамда бошқа тарғибот материалларини чиқариш ва тарқатишда ҳам тенг шароитларга эга бўлиш имкониятларини яратди.

Кўппартиявийликни тан олиш сиёсий муҳолифатнинг қонуний мавжуд бўлишини кўзда тутди. Конституция сиёсий партияларнинг давлат ҳокимиятини амалга оширишда иштироки борасида соғлом рақобатни қонунийлаштирган.

Хусусан, Конституциямизнинг 34-моддаси иккинчи қисмида: «Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас», деб белгиланган. Мазкур норма қоидалари «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Қонунда ривожлантирилди. Бу Қонун парламент муҳолифати фаолияти мақоми ва кафолатларини аниқ белгилаб берди.

У 2015 йилда ЎзЛиДеП ва «Миллий тикланиш» сиёсий партияларининг ўз дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш билан боғлиқ қонун лойиҳаларини таклиф этишда устуворликни қўлга киритиш йўлида бирлашиб, парламент кўпчилигини ташкил этган Демократик блок тузиш учун ҳуқуқий асос бўлди. Бунга кўра, озчиликни ташкил этган ЎзХДП ва «Адолат» партиялари фракциялари ўзларини парламентда муҳолифат деб эълон қилди.

Кўппартиявийлик тушунчаларини янада чуқурроқ тушуниб олиш учун чет давлатларнинг қонунчилигига ҳам бир назар ташлаймиз.

Кўпгина чет давлатлар Конституциявий тузумнинг асоси сифатида ўз Конституцияларида сиёсий хилма-хилликни

мустаҳкамлаб қўйган. Хусусан, Россия Федерацияси Конституциясининг 13-моддаси учинчи қисмига биноан Россияда сийёсий хилма-хиллик, қўлпартиявийлик тан олинмади. Болгарияда сийёсий ҳаёт сийёсий хилма-хилликка асосланмади. Бу ерда ҳеч бир сийёсий партия ёки мақкура давлатга тааллуқли, деб эълон қилинмиши ёки тасдиқланмиши мумкин эмас.

Испания Конституцияси сийёсий хилма-хилликни хуқуқий тартибнинг олий қадрвати, деб эълон қилган. Бунда сийёсий партиялар сийёсий хилма-хиллик тамойилига қўра ҳалқ эркини шаклан-тириш ва ифода этиш жараёнларида бир-бири билан рақобатга қиршади ҳамда сийёсий иштирок этишининг асосий воситаси бўлиб ҳисобланади. Уларнинг тузиш ва уларнинг фаолият юритиши Конституцияда қонунларни хурмат қилиш шарти билан эркин ҳисобланади, ички тузулмалари ва фаолияти эса демократик бўлиши кераклиги назарда тутилган.

Сийёсий хилма-хиллик мақуравий қўл қирраликнинг натижа-си ҳисобланади. Мақуравий қўл қирралик — ижтимоий ҳаётнинг ташиқли этишининг конституциявий тамойили бўлиб, инсоннинг сохлаган мақурага амал қилиши ва унинг асосида ўз сийёсий фаолиятини олиб боришини қўзда туттади.

Мақура деганда ижтимоий борликка, ижтимоий, шу би-ларан бирга давлат-хуқуқий ривожланиш қонунлари ҳамда истиқболларига нисбатан фазафий, сийёсий, диний ва бошқа қарашларнинг тизими тушунилади.

Фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишининг эҳзоли шарафлиқ давлат ҳамда жамиятнинг эркин ҳолати ва хошхошимон бўлишидан жўда манфаатдор бўлади, чунки қарашлар, таълимолар ва мақураларнинг ранг-баранглиги акл, ижтимоий ҳамда сийёсий дастурларнинг соғлом рақобатини вуқудга келтиради. Жамиятнинг ўзини ўзи тушуни-ши, ҳавдан ўз вақтида олоқ бўлиши ва мукаммалликка эришиши йўлларини қидириши аинан шуни асосий бўлади.

Сийёсий ва мақуравий қўл қирралик инсон ҳамда фуқаронинг тегишли хуқуқ ва эркинликларини, хусусан, қирра

ва эътиқодлар эркинлиги, виждон ва диний эътиқод, бирлашиш ва бошқа эркинликлар Конституцияда мустаҳкамлаш асосида кафолатланади. Хусусан, Конституциянинг 12-моддасидаги норма «Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга» (29-модда), «Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга» (31-модда), «Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради» (58-модда) деган мазмундаги кейинги моддаларда ўз ифодасини топган. Конституциянинг юқоридаги моддалари 12-модданинг мантиқий давоми бўлиб уни рўёбга чиқарилишига хизмат қилади.

Конституциянинг 12-моддасида сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигининг тан олиниши ҳар бир фуқаронинг, сиёсий партиянинг, жамоат бирлашмасининг кишилик жамияти иқтисодий, ижтимоий, сиёсий тузилишига доир ғоялар, назариялар, концепцияларни ишлаб чиқиш, уларга амал қилиш ҳамда тарғиб этиш, ҳокимият ва жамиятга амалий тавсиялар бериш, ўз қарашлари ва фикрларини оммавий ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқини англатади.

Макуравий хилма-хиллик тамойилининг муҳим аҳамияти шундаки, у жамиятни нафақат сиёсатда, балки адабиёт, фалсафа, санъат, фан соҳаларида, шунингдек, маданият ва маънавият ривожланишини таъминлашда турғунликдан асрайди.

Табиийки, фикрлаш ва сўз эркинлиги айрим ҳолларда суистеъмол қилинади, оқибатда, ахлоқсиз, ғайриинсоний, ирқий ва ҳоказо ғоялар вужудга келиши мумкин. Давлат, агар бундай ғоялар ижтимоий барқарорликка раҳна солувчи зўрлик ва бошқа ҳаракатларни қўллашга ундаса, уларни тарғиб қилишни чеклаб қўяди.

Конституциянинг 57-моддасига кўра: «Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, уруш-

ни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний рўҳдаги сўёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тўзи-лиши ва фаолияти тақиқланади». Шу билан бир каторда, давлат мақбуравий мулоқот ва назарий тортишувларга арашамайди.

Бир мақурани давлат мақураси ёки ҳамма ўчун мажбурий бўлган шуда хавфли хисобланади. Конституциянинг 12-моддасининг иккинчи қисмида шу масалага алоҳида тўхталиб ўтилган бўлиб, унга қўра ҳеч бир мақура давлат мақураси сифатида белгиланши мумкин эмас. Бундай тақик тоталитар режим ўрнатилишининг олдин олиши ўчун киритилган бўлиб, жамиятнинг қўл мақуралик асосида ривожлантириш кафолати хисобланади.

Чўнқи, тоталитар режимлар мақураларнинг қўлигини ни-кор этади. Тоталитар режим конституцияда ягона ва ҳамма ўчун мажбурий бўлган ҳўққорон партиянинг мақураси ўрнатилган бўлади ҳамда аҳоли унга сўёсий эрлашга мажбур қилинади.

Бир-бир мақуранини давлатнинг мақураси деб белги-лашши тақиқлаш ҳеч қандай мақуранинг конституциявий таи-олинини тақиқ қўйилмаслигини, Ўзбекистонда бир-бир пар-тиянинг, ижтимоий ҳаракатнинг ва ижтимоий-сўёсий гўрўҳнинг дастурий қўларини конституцияда мустаққамланмаслигини, бир-бир мақурага содиқлик давлат хизматиға киршида асо-була олмаслигини аниглайди. Шу ўринда ўзғача фикрлаш, бирор-бир сўёсий қўч ёки давлат органининг қўёвий йўналтишларига тесқари бўлган қарашлар, назариялар, қўлар ва концепция-ларни тарғиб қилгани ўчун жиний жавобгарликка тортишга сабаб бўлиши мумкин эмас.

Шу билан бир каторда, жамиятнинг модернизациялаш ва ислох қилиши жараёнда инини қўёвий асосларғиз амалға ошириб бўлмайди. Бунга юртимизнинг мустаққил ривожланиш тақрибаси, тарихи даври бўла олади.

Мафкуралар хилма-хиллиги шароитида олий давлат бошқаруви органлари бошқа ғоялар ва мафкураларни ҳурмат қилган ҳолда, уларнинг эркин ривожланишига имконият яратиб бериши лозим бўлади. Бу демократик жамиятга хос хусусият.

Ўзбекистонда ҳам бешта сиёсий партия фаолият кўрсатмоқда. Бундай шароитда раҳбарнинг қайси партия аъзо эканидан қатъи назар, у турли қарашларни ҳурмат қилиши ва бошқа партиялар билан ҳам қонуний асосда муносабатда бўлиши лозим.



VII

ИНСОН, УНИНГ ҲАЁТИ, ЭРКИНЛИГИ, ШАЪНИ, ҚАДР-ҚИММАТИ ВА БОШҚА ҲУҚУҚЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

■ ДЕМOKPАТИК ■ ДАВЛАТ ҚУРИШДА ■ УМУМИНСОНИЙ ■ ПРИНЦИПЛАРНИНГ ■ АҲАМИЯТИ

- Демократик давлат қуришда умуминсоний принципларнинг аҳамияти
- Ҳаётингиз, эркинликларингиз, шаън, қадр-қиммат ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш соҳасида давлат томонидан бериладиган кафолатлар

Мазкур бобда биз Сиз билан Конституциямизнинг демократияга оид нормаларининг мазмун-моҳияти билан танишиб чиқамиз. Конституциямизнинг демократияга оид нормаларини тушунишингиз учун эса авваламбор демократия сўзининг мазмун-моҳиятини тушунишингиз лозим бўлади.



Демократия сўзи юнон тилидан олинган бўлиб, «**demos**» — халқ ва «**кратия**» — ҳокимияти, бошқаруви маъноларини англатади.

Демократиянинг асосий талаблари кўпчилик ҳокимияти, фуқаролар тенг ҳуқуқлиги, улар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояланганлиги, Конституция ва қонунларнинг устуворлиги, ҳокимиятнинг бўлиниши, давлат бошлиғи ва ваколатли органларнинг сайлаб қўйилиши ҳисобланади.

Давлат билан бирга вужудга келган демократия инсоният тарихи давомида турли миллий-маданий шарт-шароитларга мослаша борган. Ҳар бир давлатда, миллатда ўзига хос қадриятлар, менталитет, анъаналар мавжуддир. Улар жамиятдаги демократик жараёнларга катта таъсир кўрсатади, бинобарин, демократик муассасаларни шакллантиришда мазкур омиллар, албатта, ҳисобга олинади.



Демократия — фуқаролар эркинлиги ва тенглиги қонунларда мустаҳкамланган, халқ ҳокимиятчилигининг восита ва шакллари амалда ўрнатилган ва юзага чиқарилган сиёсий тузум. Демократия давлат билан инсон муносабатларини белгилайди.

Демократик давлатда инсон манфаати, қадр-қиммати, ҳаёти ҳар нарсадан юқори туради. Бундай давлат ўзини ўзи бошқариш, кўппартиявийлик, оммавий ахборот воситаларининг эркин бўлиши, фикрлар хилма-хиллигига шароит яратади. Бироқ демократия ҳамма нарсада хоҳлаганча эркинлик эмас, қонунга асосланган эркинликдир. Демократиянинг ажралмас қисми интизом, қонунларни ҳурмат қилиш, бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишдир. Демократия тартиботлари ҳуқуқий давлатда мукамал ривожланиб боради.



Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиб, жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси сифатида ўзининг Конституциясида демократияга, инсон ҳуқуқларига содиқлигини эълон қилди ҳамда шахс манфаатларининг жамият ва давлат манфаатларидан устувор эканлигини тан олди. Ўзбекистон БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича асосий ҳужжатларига қўшилган ва уларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари фақатгина миллий урф-одатлар ва қадриятларни эмас, балки халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларини ҳам ўзида мужассамлаштирган. Масалан, 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 3-моддасига, 1966 йилда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 6-моддасига кўра, яшаш ҳуқуқи, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларининг устуворлиги олий қадрият деб белгиланган.

Президентимиз ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида мазкур масалага тўхталиб Бош қомусимиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатлар талабларига тўла мос ҳолда, инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини кафолатлаб берганлигини, инсоннинг маънавий камол топиши ва ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилганлигини таъкидлаган.

Конституцияга мувофиқ инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини тан олиш, уларга риоя этиш ва ҳимоя қилиш давлат мажбурияти ҳисобланади. Ўзбекистон ўз ички ва ташқи сиёсатида ана шу принципга амал қилади, бу эса умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига, ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасига мос келади.

Жамиятнинг самарали ва тез суръатларда ривожланишига ижтимоий тараққиёт ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила оладиган ҳамда тиклай оладиган, кенг кўламли ҳуқуқларга эга бўлган кучли шахс ва ана шу ҳуқуқларни тегишли равишда ҳимоя қилишга қодир кучли давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар асосида қурилган тақдирдагина эришиш мумкин.

Демократия инсонийлик, адолатлилик, озодлик, тенглик, шахснинг табиий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, инсонийлик, қонун олдида тенглик каби умуминсоний тамойиллар асосида тўлақонли ривожланади.

Инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари қаторига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро Билл ва бошқаларда ўз аксини топган ҳуқуқлар киради. Ҳар бир инсон ва фуқаро эга бўлган бундай ҳуқуқлар жумласига яшаш ҳуқуқи, соғлиқни сақлаш ҳуқуқи, шахсий дахлсизлик, ўз шаъни, қадр-қимматини ҳимоя қилиш, фикр юритиш ва сўз эркинлиги, қонун ҳамда суд олдида тенгликка эга бўлиш кабилар киради.

Конституцияда инсон, унинг ҳуқуқлари ва эркинлиги олий қадрият эканлиги принципининг мустаҳкамланиши инсон, жамият ҳамда давлатнинг ўзаро муносабатларида инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари устунлигини англатади.

Конституцияда инсоннинг «табиий ҳуқуқлари» таълимоти ғоялари ўз аксини топганлиги, унинг маъноси эса бу ҳуқуқлар инсонга давлат томонидан «инъом этилмасдан», балки халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларига кўра тан олиниши ҳамда кафолатланишидан келиб чиқади.

Давлат ва унинг органлари Сизнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларингизни тан олиши, уларга риоя этиши ва ҳимоя қилиши қуйидагиларда ифодаланади:

- ✔ Сизга туғилганингиздан буён ёки фуқаролигингиз ту файли тегишли бўлган ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликларингизни (яшаш ҳуқуқи, шахсий дахлсизлик, виждон эркинлиги, республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, шаън ва обрўсини ҳимоя қилиш) тан олади;
- ✔ ушбу ҳуқуқ ва эркинликларга аралашмасликни ўз зиммасига олади, яъни Сиз томонингиздан ўз ҳуқуқ ва эркинликларингиз мустақил равишда амалга оширилишига тўсқинлик қилмайди, шу билан бирга, уларни амалга ошириш учун шароит яратиб беради;
- ✔ ҳуқуқ ва эркинликларингизни ҳар қандай тажовуз ва бузғунчиликлардан ҳимоя қилади;
- ✔ давлат органлари умумэтироф этилган халқаро принциплар ва нормаларга мос равишда Сизнинг ҳуқуқларингиз ҳамда қонуний манфаатларингизни муҳофаза этади ҳамда ҳимоя қилади.

■ ХАЁТИНГИЗ, ЭРКИНЛИКЛАРИНГИЗ, ШАЪН, ҚАДР-ҚИММАТ ВА БОШҚА ДАХЛСИЗ ҲУҚУҚЛАРИНГИЗНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН БЕРИЛАДИГАН КАФОЛАТЛАР

Конституция ва қонунчилик ҳужжатларининг асосий вазифаларидан бири бу фуқароларнинг ҳаётини, эркинликларини, шаън, қадр-қиммат ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат.

Инсон ҳаёти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари томонидан энг олий қадрият сифатида ҳимоя қилинади. Яшаш ҳуқуқи инсон ва фуқаронинг бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари асосини ташкил этади. У жаҳон цивилизациясининг мутлақ

қадриятини ифода этиб, инсоннинг қолган барча ҳуқуқлари унинг ўлими оқибатида ўз моҳияти ва мазмунини йўқотади. Бу ҳуқуқни амалга ошириш учун давлат, унинг органлари ва мансабдор шахслари жамиятда яшаш учун хавфсиз шароитлар яратиши, чунончи, тинчликсевар ташқи сиёсатни, ижтимоий тотувликни, жиноятчиликка қарши курашишни, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлашга хизмат қилиши керак.

Хусусан, яшаш ҳуқуқининг, инсоннинг бошқа ажралмас ҳуқуқлари алоҳида қадрият эканлигини эълон қилган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (24-модда) ҳамда миллий қонунчилигида мустаҳкамланган миллий урф-одатлар ва халқаро ҳуқуқий нормалар ўзида инсонпарварлик ҳамда адолат принципларини мужассам этган суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш тўғрисидаги тамомила янги концепцияни шакллантириш ҳамда амалга ошириш учун асос бўлди.

Инсоннинг яшаш ҳуқуқини таъминламай туриб унинг фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий каби ҳуқуқлари ва инсоннинг яшаш ҳуқуқи ифодаси бўлган бошқа ҳуқуқлари тўғрисида сўз юритиб бўлмайди.

Яшаш ҳуқуқининг узвийлиги шундан иборатки, ушбу ҳуқуқ инсонга давлат томонидан ёки қонун билан берилмайди, балки, бошқа табиий, ажралмас ҳуқуқлар каби, инсон ўз табиатининг асосий хусусиятидир. Айнан шунинг учун ушбу ҳуқуқлар Конституция ва қонунлар билан чекланиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас ҳамда мутлақ хусусиятга эгадир.

Ушбу модданинг мазмунидан инсоннинг яшаш ҳуқуқини тўғридан-тўғри суиқасдлардан, турли хил чекловлардан ва ҳаёт учун бошқа ҳар қандай хавфлардан ҳимоя қилиш давлатнинг вазифаси эканлиги ҳам келиб чиқади.

Яшаш ҳуқуқининг демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиларидан бири сифатида Конституцияда мустаҳкамланганлиги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосий нормаларига тўлиқ жавоб беради.

Хусусан, 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 3-моддасида «Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир» деб мустаҳкамлаб қўйилган. 1950 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенциянинг 2-моддасида «Ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқи қонун билан муҳофаза этилади», дейилган. 1966 йилда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 6-моддасида «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан ҳимояланади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшашдан маҳрум қила олмайди», деб белгиланган.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактнинг 11-моддасига кўра, ҳар бир киши яшаш ҳуқуқидан фойдаланар экан ўзи ва оиласи учун етарлича озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой ҳамда турмуш шароити тўхтовсиз яхшиланиб боришини ўз ичига оладиган етарли турмуш даражаси бўлиш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро Пактнинг 6-моддасига биноан, яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан муҳофаза қилинади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳаётдан маҳрум этилиши мумкин эмас. Шунингдек, ушбу Пактга асосан, ҳеч ким қулликда сақланмаслиги керак; қуллик ва қул савдосининг барча кўринишлари тақиқланади ва ҳеч ким эркин ҳолатда сақланмаслиги керак.

Миллий қонунчилигимизда ҳам яшаш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Хусусан, «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонунига кўра «Давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасалари аҳолига давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам кўрсатади. Бепул тиббий ёрдам кўрсатиш ҳажми ва тартиби қонунчилик билан белгиланади». Бунда давлатимизнинг бизга ва бизнинг соғлом яшашимиз, соғлигимиз ҳақидаги ғамхўрлиги яққол кўриниб турибди.

Маълумки, ҳар бир инсон хоҳлаган жойда яшаш ҳуқуқига эга, ҳар ким айнан туғилган жойида яшашга мажбур эмас. Бозор иқтисодиёти жараёнида ҳар ким ўзи учун қулай, янги шароитларга эга бўлган, ўз имкониятларини оширадиган жойга кўчиб яшаши, у ерда умрбод истиқомат қилиши мумкин. Бу борада Ўзбекистон Республикасида ҳам фуқаролар учун кўплаб шароитлар яратиб берилмоқда. Бунга мисол қиладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Доимий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ фуқароларимизнинг яшаш ҳуқуқини янада такомиллаштириш, уларға қулайликлар яратиш бўйича янги қоидалар белгилаб берилди. Унга кўра, 2020 йил 1 сентябрдан:

- фуқароларининг доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтмасдан яшаш муддати 15 кун ҳисобланади;
- доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишни расмийлаштириш бир кун ичида амалга оширилиши керак;
- Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олишда аввалги доимий яшаш жойидан рўйхатдан чиқиш тартиби бекор қилинди;
- Ўзбекистон Республикаси фуқароларига доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинишини расмийлаштиришда паспорт, уй дафтари ёки хонадон карточкасиға рўйхатга олиш штампини босиш амалиёти бекор қилинди;
- доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олишда ҳарбий хизматға мажбурларнинг мудофаа ишлари бўлимларига ҳарбий ҳисобдан чиқиш ва ҳарбий ҳисобға туриш учун бориши тартиби бекор қилинди;
- Фуқаролар томонидан солиқ идораларида ҳисобга олинган ижара шартномаси ҳақида маълумот тақдим этилганда вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинишда уй-жой эгасининг розилиги талаб этилмайдиган бўлди.

Шлахсингт кадр-кимматини хурмат килиш — демократик дав-
латингт ажралмас бөлгисидир. Чунки бундай давлата хар бир
нсон олий жигтимоий кадривиятний офда этади. Хар бир нсоннин
кадр-киммати унинн хаккикий жигтимоий кадривията катъи
химов килигиниши лозим. Суд нсон шашъни, кадр-кимматини химов
килишини энг самарали воситаси хисобланади.

Конституцивиязда келтирилган нсон шашъни, кадр-киммати
тушунчаси, биринчи ахлокий, маръавий сифатла-
ри (унинг маръасига кўра яки сўзлар — яхши ном, обрў-этибор,
имидж ва хоказолар) нуқтаи назаридан каратганда унинг бошқа
одамлар, бутун жамият томонидан баҳолаган шижиратидир.
Эркинлик хукуки нсон уз харакатларидан эркин бўлиши,
вакитини уз хохишига кўра ўтказиши, уз хукукларидан эркин
далаланиши мумкинлигини хамда қонун доирасида уз ишти
талинни ва мерёригини танлаган шижиратини амалга я
фақатгина суд хукми билан ёки жинзот тўғрисидаги қонунчилик
хужжатларидан назарда тутилган жағдайлар содир этилганда
нсон эркинлигини чеклагашга ёки эркинликдан маҳрум килишга

йул қўйилади.

Нсон хукукларини умумжаҳон декларациясининг 1-модда-
сида «барча нсонлар хукукий жиҳатдан эркин ва тенг бўлиш
туғилганда»,- Э-моддада «Хар бир нсон шашъ, эркин бўлиш
ва шаксининг, у жисмоний ва рухий дахлсизликни уз ичига олади.
Шлахсингт кадр-кимматининг дахлсизлиги шажъни, соғлиги, жин-
сий дахлсизлиги ва нисбатан турли тажовуларга йул қўймаслик
мақсадида давлат томонидан етарли қарорлар шижиратини
таъминланади. Рухий дахлсизликни таъминлаш эса шлахсинг
рухий ва ахлокий соғлиги, инсоннинг интеллектуал олин
соҳасига қарши тажовулардан химов килишга йул яттирилади»

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Давлатнинг мазкур вазифаси Конституциянинг 43-моддасида кенгроқ ёритилган ва кафолатланган.

Чунки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали таъминламасдан туриб, демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш мумкин эмас. Зеро, давлат инсон ҳуқуқ ва эркинликларини эътироф этишга ҳамда ҳимоя қилишга бевосита кўмаклашар экан, бу ҳуқуқ ва эркинликларни Конституция ҳамда қонунларда мустаҳкамлаб қўяди.

Давлат томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлат механизмини, яъни инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва кафолатлашнинг миллий тизимини, шу жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш ва уларни ҳимоя қиладиган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тизимини яратиш заруратини англатади. Давлат томонидан ўрнатилган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишни кафолатлаш тизими ўзида уларни таъминлаш, муҳофаза қилиш ва ҳимоялашнинг турли восита ва шакллари мужассамлаштиради.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши ва кафолатланишининг даражасига таянган ҳолда, айти шу давлатдаги ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий ва маданий тизимнинг реал демократиклиги ва инсонпарварлиги тўғрисида бевосита хулоса чиқариш мумкин. Зеро, муайян мамлакатда фуқаро ўзини қанчалик эркин ва ҳимояланган деб ҳис этса, ўша ерда инсон ҳуқуқларини кафолатлаш тизими шунчалик самарали амал қилаётган бўлади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий мақсади давлатнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича ўз мажбуриятларини самарали бажаришидан иборатдир.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш миллий тизимида парламентнинг ўрни тўғрисида гап борар экан, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи органи ҳуқуқни ҳимоя қилишда

юксак салоҳиятга эга бўлган ҳолда, қуйидаги қонун ижодкорлиги ва назорат ваколатларига эга:

- биринчидан, парламентнинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимидаги ноёб аҳамияти қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга ошириш ҳуқуқига эгалиги (Конституциянинг 76-моддаси) билан белгиланади, бу ҳуқуқий давлатда ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий воситаси ҳисобланади ҳамда ҳуқуқ манбалари тизимида устунликка ва олий юридик кучга эга;
- иккинчидан, парламентнинг ижроия органлари ва улар мансабдор шахслари фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширишга доир Конституциявий ваколати (Конституциянинг 78-моддаси 21-банди) давлатда демократия ривожланишининг ўзига хос ютуғидир. Парламент назорати Конституция ва қонун устунлигини сўзсиз таъминлаган ҳолда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг энг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади.

Парламент қонунлар қабул қилар экан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш учун барқарор ҳамда зарур ҳуқуқий асос яратади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Муқаддимаси»да давлатимиз ўзини «инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат», деб эълон қилинган. Бу инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасидаги бутун фаолият ҳуқуқ доирасида бўлиши кераклигини англатади. Давлат қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилар экан, фақат фуқароларгина эмас, балки давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахслари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари риоя этиши керак бўлган аниқ ва равшан ҳуқуқий қоидаларни жорий этади.

Шунингдек, Конституциянинг 44-моддасига кўра, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг

ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Мазкур модда билан ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқининг кафолатланиши мамлакатимизда шахс ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади. Ушбу модда нафақат жисмоний, балки юридик шахсларнинг ҳам суд орқали давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан ҳимояланишини кафолатлайди.

Ушбу моддадаги кафолатлар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 8-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган «ҳар бир инсон, мабодо унинг Конституция, қонун бериб қўйган асосий ҳуқуқлари бузилгудек бўлса, нуфузли миллий судлар томонидан ўз ҳуқуқларини самарали тарзда тиклаш ҳуқуқига эга» эканлиги ҳақидаги нормаларга тўла мос келади.

Шунга ўхшаш норма, Ирқий камситишнинг барча турларига қарши конвенцияда, Фуқаролик ва Сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда ҳамда Аёллар ҳуқуқларини камситишнинг барча шаклларига қарши конвенцияда ҳам ўз ифодасини топган.

VIII

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТИ

■ ДАВЛАТНИНГ ИНСОН ВА
ЖАМИЯТ ФАРОВОНЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДАГИ
ВАЗИФАЛАРИ ВА УЛАРНИ
АМАЛГА ОШИРИШ
МЕХАНИЗМЛАРИ

- Давлатнинг инсон ва жамият фаровонлигини таъминлаш соҳасидаги вазифалари ва уларни амалга ошириш механизмлари

Давлат бошқарувида ижтимоий адолат ва қонунийлик принципларининг аҳамияти

Маълумки, давлатнинг асосий вазифаларидан бири бу инсон ва жамият фаровонлигини таъминлаш ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам қонунчилигимизда инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият сифатида белгиланган. Чунки фуқаро ва давлат бири-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро

боғлиқ ҳисобланади. Шу маънода Асосий қомусимизда давлат ўзига бир қатор ўта муҳим мажбуриятларни олганки, унга кўра, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади, давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади. Халқ ҳокимиятчилигидан кўзланган асосий мақсад ҳам инсон ва жамият фаровонлигини ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашдан иборатдир.

Ҳар бир давлат ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини танлар экан, халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган энг муҳим мақсад ва вазифаларини ўзининг Конституцияси — Асосий қонунда мустаҳкамлаб олади. Бинобарин, ўз халқининг хоҳиш-иродаси, дили ва тилидаги эзгу ниятларига ҳамоҳанг Конституцияга эга бўлган мамлакат ўзи белгиланган юксак марралардан ҳеч қачон оғишмасдан, доимо олдинга қараб боради.

Конституциямизда давлат инсон ҳуқуқлари бўйича бир қатор мажбуриятлар олган. Хусусан, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошириши, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканликлари, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлаши, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиши, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлаши шулар жумласидандир.

Ҳозирги кунга қадар юртимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоясининг халқаро тан олинган принциплари, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, коррупция ва одам

савдосига қарши курашиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида қатор миллий дастурлар, чоратадбирлар ишлаб чиқилиб, махсус комиссиялар фаолияти йўлга қўйилди. Бу билан ушбу жараёнга давлат ташкилотларини бирдек жалб этиш, уларнинг жамият ва давлат, фуқаролар олдидаги вазифаларини аниқ белгилашга эришилди.

■ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ■ ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ВА ҚОНУНИЙЛИК ■ ПРИНЦИПЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Давлат бошқарувида мунтазам равишда ижтимоий адолат ва қонунийликка риоя қилиниши фуқароларнинг давлатга бўлган ишончи ортишига, фуқароларнинг давлатдан рози бўлишига олиб келади.



Конституциямизнинг 14-моддасида ижтимоий адолат энг муҳим Конституциявий принцип сифатида белгиланган. Ушбу модда Ўзбекистон халқининг демократия ва ижтимоий адолат идеалларига содиқлигини, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилишини эълон қилган

Конституция Муқаддимасининг қоидаларини ривожлантиради. «Ижтимоий адолат» тушунчаси, биринчи навбатда, фалсафий, ахлоқий тушунчадир. Ҳуқуқий нуқтаи назардан ижтимоий адолат шахсга нисбатан тенг ҳуқуқли субъект сифатида қўлланиладиган талабларнинг (қонунлар, қоидалар, нормалар талабларининг) қонунга мувофиқ тенглигини, бир хиллигини англатади.

Шу маънода Ўзбекистон Конституцияси ўзига хос ижтимоий адолат моделини ифода этиб, унда мустаҳкамланган принциплар унинг муҳим ташкил этувчилари бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий адолатни таъминлашга доир фаолият тўғрисида сўз юритилганда, мамлакатимизда унинг қуйидаги йўналишларини кўрсатиб ўтиш мумкин:



аҳолининг барча эҳтиёжманд қатламлари учун давлатнинг ижтимоий қўллаб-қувватлашига эга бўлишни кенгайтириш, ижтимоий ҳимоя тизимининг шаффофлигини таъминлаш;



ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг ҳуқуқий воситалари ва шаклларини такомиллаштириш, ижтимоий ҳимоялашнинг ҳуқуқий механизми таъсирчанлигини таъминлаш;



давлат томонидан ижтимоий ҳамкорлик жараёнига ёрдам кўрсатилиши, давлатнинг ижтимоий масъулиятини ошириш;



ижтимоий тўловлар тизимини такомиллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш;



давлатнинг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида фаолият кўрсатадиган фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро алоқасини чуқурлаштириш.

Конституциямизга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Яшаш ҳуқуқи инсон ва фуқаронинг бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари асосини ташкил этади. У жаҳон цивилизациясининг мутлақ қадриятини ифода этиб, инсоннинг қолган барча ҳуқуқлари унинг ўлими оқибатида ўз моҳияти ва мазмунини йўқотади. Бу ҳуқуқни амалга ошириш учун давлат, унинг органлари ва мансабдор шахслари жамиятда яшаш учун хавфсиз шароитлар яратиши, тинчликсевар ташқи сиёсатни, ижтимоий тотувликни, жиноятчиликка қарши курашишни, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлашга хизмат қилиши керак.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, иж-

тимой келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

Ижтимоий адолат принципи мамлакатимизда яшаб келаётган барча миллат ва элатлар тенг ҳуқуқли эканлигида ҳам ўз ифодасини топган.

Хусусан, бугун мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшамоқда. Улар умумий уйимиз – Ўзбекистонимиз равнақи йўлида бирлашиб, барча соҳа ва тармоқларда фидокорона меҳнат қилмоқда, ривожланган бозор иқтисодиёти ва кучли фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида ҳар бир инсон фуқаро бўлиш ҳуқуқига эга бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги ҳамма учун тенглиги, фуқароликни қандай асосларга кўра олганлигидан қатъи назар бошқа фуқаролар билан тенглиги, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудуди учун ягона фуқаролик ўрнатилиши белгиланган.

Шу каби, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонунининг 2-моддасига кўра, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши республика ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг ўз она тилини қўллашдан иборат Конституциявий ҳуқуқларига монелик қилмайди. Мазкур Қонун тилларнинг турмушда, шахслараро муомалада ҳамда диний ва ибодат билан боғлиқ удумларни адо этишда қўлланишини тартибга солмайди. Демакки, Сиз миллатлараро муомала тилини ўз хоҳишингизга кўра танлаш ҳуқуқига эгасиз.

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий, Фуқаролик ва Жиноят процессуал кодексларида ҳамда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларида суд ишлари ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли

сўзлашадиган тилда юритилиши, суд ишлари юритилаётган тилни билмайдиган суд процесси иштирокчиларининг таржимон орқали иш материаллари билан танишиши, суд ҳаракатларида иштирок этиши ҳамда судда ўз она тилида ёки эркин танланган мулоқот тилида сўзлаш ҳуқуқини таъминлаши белгилаб қўйилган.

Ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи (37-модда) ва бошқалар давлат томонидан кафолатланади. Адолатли меҳнат шароитларига бўлган Конституциявий ҳуқуқ нафақат ишга қабул қилишда, балки кейинчалик, иш жараёнида ҳам дискриминацияга йўл қўймасликдан иборат.

Миллий қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ қандайдир чекловлар ўрнатиш ёки жинс, ёш, ирқ, миллат, ижтимоий келиб чиқиш, мулкӣ ва хизмат вазифаси билан боғлиқ ҳолатлар, динга мансублик, этниқод, жамоат бирлашмаларига аъзолик, шунингдек, ходимларнинг ишбилармонлик жиҳатлари ва меҳнат натижалари билан боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатларда афзаллик беришга йўл қўйилмайди ва бу дискриминация ҳисобланади.

Ижтимоий адолат принципи ҳар кимга моддий бойликлар ва маданият, фан, таълимдан фойдаланишни, адолатли, холис одил судга кафолатланган ҳолда эга бўлишини, унинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини кафолатлайдиган Конституциявий нормаларда рўёбга чиқади.

Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакатимизда кексалар, пенсионерлар, ногиронлар ва имконияти чекланган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкил этиш тизими яратилган. Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Масалан, бунги кунда 650 мингдан ортиқ шахс ногирон деб топилган бўлиб, уларга ҳар йили Давлат бюджетидан нафақа ва пенсиялар тарзида 2,5 триллион сўмдан ортиқ маблағ тўланмоқда.

Шунингдек, ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг ҳуқуқий воситалари ва шакллари такомиллаштирилиб, қонунчилигимизда ўз ифодасини топиб бормоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари доирасида аҳолининг бандлигини ва реал даромадларини изчил ошириш, кам таъминланган оилалар сонини камайтириш, ишсизлик даражасини камайтириш, аҳоли эҳтиёжманд қатламларининг ижтимоий ҳимоя қилинишини ҳамда кекса ва имконияти чекланган шахсларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини кучайтириш каби муҳим масалалар кўзда тутилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги 5106-сонли Фармонида шундай тартиб кўзда тутилганки, унга кўра таълим муассасасини тамомлаганига уч йил бўлмаган, биринчи марта ишга қабул қилинган ёшларга даромад солиғини биринчи йил учун 50 фоизга, иккинчи ва учинчи йиллар учун эса 25 фоизга камайтириш, ёшларни, айниқса, уларнинг уюшмаган қисмини 6 ойгача бўлган муддатда касб-ҳунарга тўловсиз ўқитиш марказларини ташкил этиш назарда тутилган.

Шу каби, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 апрелдаги «Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини идоралараро электрон ўзаро ҳамкорликни қўллаган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 308-сон қарорига асосан «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими жорий этилган. Мазкур қарорга асосан вояга етмаган болаларни парвариш қилиш нафақаси, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам ҳамда ун ва қолипли нон харид қилиш бўйича қўшимча харажатларни қоплаш учун ҳар ойлик пулли компенсация тайинлаш ва тўлаш тартиби белгиланган.

Президентнинг 2021 йил 11 августдаги «Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда камбағаллик билан курашиш кўламини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 6277-сонли Фармонида 2021 йил 1 сентябрдан 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа ҳамда бола 2 ёшга тўлгунига қадар уни парвариш қилиш нафақаси ўрнига кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси жорий этилиши, тўлов муддати 6 ойдан 12 ойгача оширилиши, унинг миқдорини оиладаги болалар сонидан келиб чиқиши белгиланган. 2021 йил 1 октябрдан «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали кам таъминланган деб эътироф этилган оилалар ва шахслар тўғрисидаги маълумотлар манфаатдор вазирлик ва идораларга «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали тақдим этилиши белгиланган.

Бир сўз билан айтганда, ижтимоий сиёсатни амалга ошириш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қонунчилик ҳужжатлари билан танишиб боришингиз Сизнинг ижтимоий ҳимоянгиз яхшиланишига, ҳаётингиз янада фаровонлашишига олиб келади.

ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИ: АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

(амалий қўлланма)

Нашр учун масъуллар:	<i>Ф. Тожиев, Ш. Бахронов</i>
Муҳаррирлар:	<i>Ш. Абдуллаев, Д. Иргашева</i>
Тузувчи:	<i>М. Ахмедов</i>
Компьютерда саҳифаловчи:	<i>Ж. Тожибоев</i>

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази.
Нашр. лиц. АИ № 032, 29.10.2019 й.
Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 19-уй.
Телефонлар: 71-233-28-18, 71-280-55-47
Веб-сайт: www.adolatmarkazi.uz
e-mail: info@adolatmarkazi.uz

Босишга рухсат этилди 30.11.2021 й.
Қоғоз бичими 60x84 ¹/₁₆ «Segoe UI» гарнитураси.
Офсет усулида чоп этилди. Босма табоғи 6.
Нашриёт ҳисоб табоғи 5,5. Адади 1 000 нусха.
3-бўйртма. Нархи шартнома асосида.

**«PREMIUM POLIGRAF BIZNES» МЧЖда чоп этилди.
Тошкент ш., Чилонзор тумани, Д20-мавзе, 9-уй.**